Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 26 март, шанба № 66 (21.670). Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси умумий мажлиси Сизнинг академиянинг ҳақиқий аъзоси этиб сайланганингиздан ғоят мамнунлигини изҳор этади.

Сиз атоқли иқтисодчи олим, давлат арбоби сифатида мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиёти назарий асосларини ишлаб чиқишга ва турмушга татбиқ этишга улкан ҳисса қўшмоқдасиз.

Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги Сизнинг концепциянгиз иқтисод фанига қўшилган улкан ҳисса бўлиб, жаҳон жамоатчилиги бунга ҳақконий равишда юксак баҳо берди.

Сизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари» ва бошқа асарларингиз иқтисод фани муаммоларига ижодий, янгича ёндашиш намунасидир. Шу боис мазкур асарлар кўплаб хорижий тилларга таржима қилинди ва қилинмоқда.

Бу китобларда асослаб берилган фундаментал ғоялар миллионлаб кишилар фаолиятида дастуриламал, мустақил тараққиёт назарий асосларини яратишда илмий мактаб бўлиб хизмат қилади. Сиз иқтисод фанидаги энг янги йўналишларнинг асосчиси сифатида ҳаққоний тарзда шуҳрат қозондингиз.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси аъзоларининг 1994 йил 24 март куни бўлиб ўтган умумий мажлисида Сизни якдиллик билан иқтисодиёт ихтисоси бўйича академиянинг ҳақиқий аъзоси этиб сайлашга асос бўлди.

Сизнинг Фанлар академияси ҳақиқий аъзоси этиб сайланишингиз, шак-шубҳасиз, мамлакатимиз фанининг янада тараққий этишига хизмат қилишига ишончимиз комил.

Азиз Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам саломатлик, Ўзбекистонни жаҳондаги ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши йўлидаги кўп қиррали фаолиятингизда омад ва зафарлар тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг умумий мажлиси.

• *Замондошлар*

Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» жамоа ширкат хўжалиги сигир соғари Умида Ғаниева ҳозир ҳар бир сигирдан бир кеча-кундузда 10-11 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олмоқда. У фермадаги энг илғор сигирсоғарлардан ҳисобланади.

СУРАТДА: илғор соғувчи Умида Ғаниева.

И. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА КЕНГАШ

25 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, марказий муассасалар раҳбарлари иштирокида кенгаш бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди.

Кенгашда 1994 йил январь-февраль ойларида ишлаб чиқариш суръатларининг пасайишига йўл қўйган халқ хўжалиги айрим тармоқларининг фаолияти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг бажарилиши муҳокама этилди.

— Биз собиқ Иттифоқ таркибига кирган мамлакатларнинг иқтисодий аҳволидан хабардормиз, — деди Президент Ислом Каримов кенгашни очиб. — Шу нуқтаи назардан қараганда бизда аҳвол бармунча яхши, яъни Ҳамдўстлик давлатларида январь-февраль ойларида ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўртача 73 фоизни ташкил этса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 91 фоиз бўлди.

Кенгашда халқ хўжалигининг айрим тармоқларида, айниқса, кимё, қишлоқ хўжалик машинасозлиги саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишига йўл қўйилгани, бу ҳолнинг сабаблари ва уни бартараф этиш йўллари батафсил таҳлил этилди.

— Ҳозир кимдан ишнинг аҳволини сўрасанг, гапни хўжалик алоқаларининг узилиб қолгани, хом ашё ёки бутловчи материалларнинг етишмаслиги, ўзаро тўловларнинг ўтмаётганидан бошлайди, — деди Президент. — Ҳолбуки, ҳамма ҳам ана шундай оғир шароитда ишламоқда. Лекин, натижа ҳар хил. Бу нимани кўрсатади? Бунинг сабаби шундаки, кўпчилик соҳа раҳбарлари, саноат корхоналари директорларининг иш услуби, дунёқараши жуда секин ўзгаратётир. Уларнинг аксарияти бозор муносабатлари шароитида ишлашга мослаша олмаяпти. Илгари ҳамма нарса, жумладан, хом ашё ва бутловчи материаллар ҳам марказдан тақсимланар, қайси маҳсулотни ким, қандай нархда сотиб олиши ҳам қатъий белгилаб қўйиларди. Бошқача қилиб айтганда, ишлаш осон эди. Ҳозирги давр эса ишлаб чиқариш сардорларидан бу масалаларни тадбиркорлик билан ҳал этишни, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни, бозор конъюктурасини ўрганишни, бугунни эмас, келажак 5—10 йилни назарда тутиб иш юритишни талаб этади. Кимки бунинг уддасидан чиқолмаса, ўрнини қобилиятли ёшларга бўшатиб беришига тўғри келади.

— Аввалги давлат таъминоти деган гап энди йўқ. Ҳар бир корхона ўз хўжалик алоқаларини боғлаши, валюта ишлаб топиши, халқаро корпорацияларга кириши, ана шу йўл билан қайта жиҳозланиши — дунё бозорига чиқиши керак! Бозор иқтисодиёти ҳар бир раҳбардан бугун шуни талаб қилади, — деб таъкидлади И. Каримов.

Кенгашда концерн ва уюшмалар фаолиятини жонлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, охир-оқибатда ишчи, мутахассис ҳамда раҳбарнинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан шахсий манфаатдорлигини ошириш иқтисодий юксалиш омили экани, шунингдек, инженер-техник ходимларни, ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарларини хорижий мамлакатларга ўқишга юбориш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Республика Президентининг ислоҳотни чуқурлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисидаги фармонини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан алоқадор вазирлик, идора ва ташкилотларга тегишли топшириқлар берилган эди. Кенгашда ана шу борадаги ишларнинг бориши муҳокама этилди.

Кенгашда республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари— У. Султонов, А. Возненко, К. Тўлаганов, В. Чжен, М. Қорабоев қатнашди.

(ЎзА).

• *ХДП халқ орасида*

БАРАКА— ҲАРАКАТДА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов 24 март куни Сирдарё вилоятида бўлди. Қўриқ воҳа саноатчилари, тадбиркорлари ва дала меҳнатчилари билан учрашувларда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсати, хусусан ҳукуматимизнинг иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган чора-тадбирлари ва маҳаллий партия ташкилотларининг шу борадаги вазифалари, республика Олий Мажлисига бўладиган сайловлар, Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этиш, меҳнат жамоаларидаги партиямиз ташкилотлари ишини яхшилаш каби долзарб масалалар юзасидан кўпгина суҳбатлар, жонли мулоқот ва фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

Биринчи котиб ислоҳотлар-туфайли ташкил топаётган янги корхона ва муассасаларнинг фаолияти билан танишди. Бахт шаҳридаги «Марказий Осиё» номли хусусий корпорация шу йилнинг бошида иш бошлади. Унинг таркибидаги фабрикада икки юздан ортиқ киши меҳнат қилиш имкониятига эга бўлди. Корхонанинг Сирдарё ва Сайҳунобод туманларида ҳам шаҳобчалари бор. Лекин, булар ҳали чегара эмас. Корпорация раисининг айтишича, яқин келажакда жами ишчи ўринлар сони мингтага етади. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

— Президентимизнинг шу йил бошидан буён қабул қилган тадбиркорликни ривожлантиришга доир янги фармонлари—дейди корпорация раиси, ёш тадбиркор Ғ. Фозилов, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, ишбилармонлик учун барча шарт-шароитларни туғдирмоқда. Мен кўпгина қўшни жумҳуриятларда тез-тез бўлиб тураман ва уларда бундай имкониятлар йўқлигини биламан. Биз учун белни маҳкам боғлаб, Ватанимиз равнақи учун ишлаш пайти келди.

Гулистон шаҳридаги пахта тозалаш заводи қошида «Нилуфар» пайпоқ тўқиш ҳиссадорлик жамиятининг иш бошлаганига эндигина икки ой бўлишига қарамай, у харидоргир моллари билан аҳолини хурсанд қилмоқда. М. Расулов бу ерда мутахассислар ва ишчилар билан суҳбатлашди, яқинда тузилган партиямиз бошланғич ташкилотининг йиғилишида ХДП сафларига қабул қилинган 7 нафар йигит-қизга аъзолик билетларини топширди.

Боёвут ва Янгиер тадбиркорлари билан мулоқотлар ҳам қизғин ўтди. Ширин шаҳрида Сирдарё ГРЭСи ишчи ва хизматчилари, ҳудудий партия ташкилотларининг котиблари билан учрашув ўтказилди. Унинг давомида — ХДП дастурий ғояларини рўёбга чиқариш борасида олиб борилаётган ишлар, республикамиз раҳбариятининг Россия, Қозоғистон, Қирғизистон билан алоқаларни янги поғонага кўтариш, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва осойишталикни сақлаб қолиш, мамлакатимизда миллатлараро тотувликни асраш мақсадида қилинаётган саъй-ҳаракатлари тўғрисида суҳбат бўлди. Биринчи котиб йиғилганларнинг кўплаб саволларига жавоб берди.

Ушбу тадбирда Сирдарё вилояти ҳокими Ғ. Б. Ҳасанов ва ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби С. Усмонов қатнашдилар.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази.

МОЙ УСТИДА ТОЙГАНЛАР

Ҳозир «мойли жой» илинжида кўзи олма-кесак териб юрганлар озмунчамми?! Одамлар ҳожатини чиқариб, меҳнатига яраша ҳалоллаб олса майли-я, «қорни қорга ишлаб аланга ясайман» деб юрганлар бўлса-чи?! Ҳа, бундайлар оз эмас экан. Йўқса, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланиш давлат назорати ҳодимларининг текширувларида ҳайратланарли рақамлар қайд этилмасди.

Назоратчилар турли вилоятлар бўйлаб юриб, 30 та жамоа, тижорат, хусусий ва кичик корхона қошидаги мой алмаштириш тармоқлари ишини таҳлил қилишди. Буни қарангки, шунча корхонадан атиги еттитаси жойлардаги нефть базаларидан мой етказиб келиш ҳақида шартнома тузиб, ишлаётган экан. Қолганлари ҳам ишлаяпти. Уларга мой қаердан келади?

Мой қуйиш тармоғидаги бу учарлар ноқонуний йўллар билан арзонгаров мой топиб келишаётган экан. Тўғри, уларга мой етказиб турган «ҳожатбарор»ларнинг шахсий мойжувози йўқ. Демак, давлат омборидан олиб чиқишади. Аммо қандай? Калаванинг учи топилди. Мой қуйиш тармоғидагилар эса «сув текин» мой турганида давлат базасига бориб, даромадни «туя қилиш зарил кептими?! «қабилида иш юритишган. Келиши арзончилик экан, кетиши ҳам шунга ярашадилар?! Жилла қурса, хизмат кўрсатиш давлат нархига яқиндир?! — деган савол бўлиши табиий. Қаёқда! «Мойли жой»дагилар сизга анойми? Мой алмаштиришга келган машина эгасига: «Бизнки — энг юқори навли «Жигули мойи!» — дея оғзига сиққанини сўрашяпти. Жумладан, Марғилоннинг Навоий кўчасидаги С. Абдуллаев бошчилик қилаётган цехда, Мирзаобод туманидаги Г. Чженга қарашли тармоқда ҳамда Бахт шаҳридаги маиший хизмат кўрсатиш корхонаси артелида мойнинг ҳар бир литрининг давлат нархидаги энг юқори баҳоси 745 сўм бўлиб турган бир пайтда, икки баравар қимматига — 1500 сўмдан пуллашяпти. Айниқса, айрим риштонликлар бу соҳада «юлдузни бенарвон урадиган» чиқиб қолишди. Мазкур туман марказидаги М. Тиркашев раҳбарлик қилаётган техник хизмат кўрсатиш устахонасида эр Келдиев жамоа хўжалигидаги Ҳ. Эсахоновнинг корхонасида ҳар бир литрини деярли 3 баравар қимматига — нақд 2000 сўмдан сотишяпти. Биронта мой алмаштириш тармоғида нарх-наво кўрсатгичи йўқ. «Нега бунчалик қиммат?» — деб сўрасангиз, «Ака, бизга ҳам қимматга келяпти-да. Кимлигини айтмаймизу, бизга мой келтириб берадиганлар ҳар бир литрига 900, ҳатто минг сўмдан ортиқ талаб қилишади», — дейдилар. Бу энди март ойигача бўлган. Буёғини ўзингиз тушунасиз...

«Ойнаи жаҳон»да бир «Жигули»нинг мотори тутаб кетганини кўрсатиб қолишди. Ёнимдаги меҳмон: «Ие, бу шўрлик ҳам бизнинг Марғилонда мой қуйдирган, шекилли», — деб юборди. Унинг гапида жон бор экан. Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланиш давлат назорати ходимлари лаборатория текшируви ўтказишганда Марғилоннинг 83-туманларарО кўчма механизациялашган колоннаси қошидаги тармоқда «юқори навли «Жигули мойи» деб ўйлашгани оддий «автол» бўлиб чиқди. Яна шу шаҳарнинг Навоий кўчасидаги, Олтиариқ тумани Чинортери кўча 7-уйдаги, Қува тумани «Ҳақиқат» жамоа хўжалигидаги тармоқларда сотилаётган мойлар машинага қуйишга мутлақо яроқсиз экан.

Яна бир гап. Ҳар бир мой алмаштириш тармоғида фойдаланилган мой тўкиб олинаркан, ҳайдовчига пул тўланиши керак. Бироқ ҳеч қайси мижоз «кел, шунгаям майдалашиб ўтираманми» деб ҳаққини талаб қилмайди. Майли, бу нарсага ўзаро келишилди, дейлик, аммо тўкиб олинган эски мойнинг бир томчиси ҳам нефть маҳсулотлари таъминоти корхоналарига келиб тушмаяпти. Ваҳоланки, фойдаланилган юқори навли мойнинг бир оз ишлов берилганини хорижликлар чет эл валютасига сотиб олишга тайёр туришибди. Ажаб, бир неча тонналаб алмаштирилаётган, фойдаланилган мойлар қаёққа кетяпти? Оддий бир мисол. Совуқ кунларда ҳам ҳаддисини олиб, гул ва бошқа ўсимликлар ўстираётган баъзи миришкорлар нима билан иссиқхоналарни қиздиришяпти, биласизми? Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги «Мурод» кичик корхонаси уларнинг «муродини ҳосил қилаётган» экан: фойдаланилган мойлар давлат нефтни қайта ишлаш корхонасига эмас, тўппа-тўғри иссиқхоналарда ёқиш учун жўнатиляпти. Қарабсизки, у ёқдан ҳам мўмайгина пул ўзўзидан келиб турибди. Мой алмаштирувчи ҳам хўрдани уради, ҳам бурдани.

Текширувлар яна шуни кўрсатдики, мой алмаштириш тармоқларининг ярмидан кўпида техник анжомлар талаб даражасида эмас.

Айниқса, Жиззахнинг «Восток» фирмаси қошидаги мой алмаштириш тармоғида, Хиванинг «Сўғдиёна» хусусий корхонасида, Хонқанинг Шароф Рашидов номли жамоа хўжалигида, Сирдарё вилоятининг «Индустрия» кичик корхонасида мой алмаштириш тармоқларининг маҳсулот сақлаш сиғимлари, тарқатиш ускуналари қониқарсиз аҳволда. Кўпчилигида назорат—ўлчов асбоблари ҳамда колонкалар умуман йўқ.

Назоратчилар нефть омборларининг ўта қониқарсиз техник аҳволини эътиборга олиб, Наманган вилоятининг «Сарбон» кичик корхонаси, Ғузордаги «Дагарбобо» фирмаси нефть омборларини ёпиб қўйишга мажбур бўлдилар.

Қор устида тойган одам ўрнидан туриб, лат еган жойини бир оз силаб, яна йўлида кетаверади Аммо мой устида тойгани-чи...

Келгусида ана шундай кўнгилсиз воқеаларга чек қўйиш учун Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланиш давлат назорати республика Вазирлар Маҳкамасига бир қанча таклифлар билан чиқди. Ажаб эмас, кўпни ўйлантираётган бу соҳада ҳам тартиб ўрнатилса.

Музаффар УСМОНИЙ.

ИФТИХОР

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН СИЁСАТИ ВА ДАВЛАТЧИЛИГИ СОЛНОМАСИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧМОҚДА

Бу кўҳна дунё жуда кўп ислоҳотларни кўрган. Бир неча минг йиллик тарихга эга юртимиз бундай ўзгаришларнинг кўпига гувоҳ. Турли даврларда яратиш ва яшнатиш, бунёдкорлик билан бирга халқ бошига не-не қирғинлару кулфат ва азоблар келтирган, вайронагарликларга йўл очган ҳодисалар такрор ва такрор юз берган. Лекин ўзбек халқи чинакам ислоҳотларни, ақл ва идрокка таянган, тафаккур меваси бўлган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар ҳамда жараёнларнинг мазмунмоҳиятидан келиб чиққан туб ўзгаришларни эндигина кўрмоқда. Халқ уни чуқур таҳлил қилиб, ишонч билдириб, якдиллик билан буюк келажак томон қадам ташламоқда. Эришилган босқичда кишида бенхтиёр босиб ўтилган йўлни таҳлил қилиш истаги туғилади.

* * *

Бугунги Ўзбекистон нима сабабдан дунё диққатини ўзига тортмоқда? Нима учун жаҳон ишбилармонлари, сармоядорлари, йирик-йирик компаниялар, машҳур фирмалар Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қарашмоқда? Нима учун жаҳон сиёсати доира столи атрофида Ўзбекистоннинг ўрни мустаҳкамланди? Жаҳон майдонида Ўзбекистоннинг тили бунчалар кескир, сўзлари бурро? Буларнинг асоси нимада?!

Собиқ СССР таркибидаги барча республикалар орасида Ўзбекистонда тинчлик ва бир меъёрдаги ишлаб чиқариш жараёни тўла кафолатланган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган мамлакатларнинг маълум қисмида турли низолар, ички келишмовчиликлар, қон тўкишлар ва ҳатто фуқаролар уруши содир бўлаётган бир пайтда Ўзбекистонда халқ ва мамлакат осойишталиги тўла таъминланган. Бунда давлатимиз раҳбарининг вазминлик билан олиб борган сиёсати натижасини кўрамиз. **Агар Президент фаолиятини шартли босқичларга ажратадиган бўлсак, у миллат, Ватан, халқ олдидаги биринчи ва оғир босқичдаги бурчини — миллатлар орасида қон тўкишнинг олдини олишдек машаққатли вазифасини уддалай олди.**

Ўзбекистон жаҳонга миллатлараро низолар билан овоза бўлган, фуқаролари қўнгли жунбушли ҳис-ҳаяжонларга берилиб турган, портлаш ҳолати вужудга келаёзган бир пайтда давлатнинг янги раҳбарияти босиқлик билан иш юрита бошлади. Ҳаётда шундай кишилар борки, улар вазият қанчалик оғирлашиб, мураккаб ҳолат юзага келган сайин ўз ирода ва кучларини ишга солиб, муаммоларни ҳал қилиш қобилиятига эгалар. Ўша даврдан то шу кунгача газеталар саҳифасида, экранларда намоён бўлган, миллионлаб кишилар кўнглига ишонч, билагига куч бахш этган сўзи — «Ўзбекистонда миллатлар ўртасида қон «тўкилмайди», «Фарғона воқеалари бошқа қайтарилмайди» деб берган ваъдаси унинг ҳам раҳбар, ҳам улкан шахс сифатида лафзининг устидан чиқишини кўрсатди. Ҳаётда инсон учун оила, умр йўлдоши, фарзанд, уй-жой, топилган моддий бойлик, эришилган лавозим, унинг соғлиғи энг қадрли бўлса, миллатлараро жанжал, қон тўкиш бошланса, киши ўзига азиз ва қимматли бўлган юқорида тилга олинган барча нарсадан айрилади. Бу муболаға эмас. Буни чуқур тушуниш, тинчликни сақлаш ишида елкадош бўлиш, раҳбарни ёлғизлатиб қўймаслик керак. Олдингдан оққан сувнинг қадри бўлмайди. Юртимиздаги тинчликни қадрлайлик. Унга осонликча эришилмаяпти. Ҳануз ўт чиқариб, ғавғолар кўтариш ниятида, қон ҳидини искаш пайида юрганлар бор. Тинчлик иши учун қўлларининг учини ҳам урмаган «доҳийчалар» тилларига эрк бериб келмоқдалар. Иш билмаган гап билади. Улар иш билганга бир танга-ю, гап билганга минг танга ҳақлида яшаб келмоқдалар. Шу ўринда кўнгилдан бир ўй ўтади: тоғ эчкилари бир-бирига шох ташламаса, шохи қичир экан, жамиятимизда ҳам қитмирлик, ғаламислик қилмаса ўзини ёмон ҳис қиладиган шахслар бор.

Амалпарастлик ниятларини ватанпарварлик ниқоби билан беркитишга уринган «доҳийлар» дўппи тор келгач, ўзларини четга олиб, чет элларга қочиб кетди. Халқни жунбушга келтириш, миллий ғурурга тегиш, кишиларни «мен ўзбекман» деб кўксига муштлаб, бошқа миллатдагиларни менсимасликка чақирдилар. Лекин ўз вақтида кўрилган чоралар туфайли уларнинг муттаҳамлиги амалга ошмади. Хўш, очгини айтганда, ўша Арманистон-у Гуржистонда ўзларининг кўракларига уриб, «мен грузинман», «мен арманман» деб кўзларига қон қуйилиб юрган шоввозлар ўз юртларига қанчалик бахтсизлигу, қанчалар эркак ва аёл, ёш бола-ю қарияларнинг ўлимига сабаб бўлганлигининг шоҳиди бўлмадикми?

Агарда қўйиб берилса, бир миллатни бир-бирига қарама-қарши қўйиб, уни Тожикистондаги каби шармандаларча «вовчиклар» ва «юрчиклар»га ажратиб, юртимизни қон-у адоватга ботиришга пайт пойлаб турганлар бор. Жаҳон наркобизнесининг йўли Тожикистон орқали Марказий Осиё республикаларидан ҳам ўтмоқда. Божхона хизматининг соддалаштирилганлиги наркотик моддалар, қурол-яроғларни республикалар, давлатлар орасида эркин ҳаракат қилишига имкон яратиб бериш муаммоси турибди. Буни эътиборсиз қолдириш мумкин эмас.

Президент ўз раҳбарлигининг биринчи босқичини — миллатлараро тотувлик, барқарорлик ишини шараф билан бажариб бўлиб, энди давлат ривожининг кейинги муҳим, иккинчи босқичи томон қадам қўймоқда. Бу иқтисодни кучайтириш, тадбиркорликни янада ривож топтириш каби йўналишлар бўлиб, унинг шу йил 21 январда эълон қилган Фармони фикримизнинг яққол далили бўлади. Бу жуда муҳим иш бўлиб, унинг муваффақиятли амалга оширилиши заминида давлатимиз келажаги, халқимиз фаровонлиги ётади. Бу Фармонни чет эл матбуоти инқилобий Фармон деб атади. Ҳозирда газеталаримиз, радио-телевидение таҳририятларига кўплаб чет эллик ишбилармонлар, йирик фирма ва кампаниялар раҳбарларидан ушбу Фармон улар фаолияти учун улкан имкониятлар очиб берганлиги хусусида хат-хабарлар юбориб, бундай дадил тарихий қадам учун миннатдорчилик билдирмоқдалар. Кетмонни баланд кўтариб уриш билан энди юртимиздаги ҳаётни ўзгартириб бўлмайди. Ишбилармонлик, халқаро миқёсда бизнес йўлларини, молия ишларини ҳар бир фуқаромиз яхши билиши лозим. Ётиб еганга тоғ чидамайди, дейдилар. Юртбоши энди барчага «Қани, тирикчилигингизни қилинглар, давлатнинг қўлига қараб ўтирмай, ўзингиз ҳам дадил фаолиятни бошланглар» демоқда. Ушбу Фармонни бутун Ўзбекистон халқи қўллаб-қувватлаши даркор. Ўйлаймизки, меҳнаткаш халқимиз тадбиркорликда, замонавий савдо-сотиқ ишларида тарихий Ипак йўли анъаналарини яна бир бор намойиш қиладилар. Бу ишда халқимизда қобилияту давлатимизда катта имкониятлар бор.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳонга ўз жамолини намойиш қилар экан, **АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг «Темур авлодлари юртини ўз кўзим билан кўриб келиш истагим бор»** деган сўзлари миллатимизга, тарихимизга, юртимизга нисбатан чуқур ҳурматнинг аксидир. Бу билан мағрурланишга ҳақлимиз.

Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг ўзига хос йўли мавжуд. Жумладан, энг аввало ёш, мустақил мамлакатда яшаётган 120 дан ортиқ миллат ва элатнинг дунёқарашини ўрганиш, талаб ва эҳтиёжларини ўз вақтида таҳлил этиш, улар манфаатини ҳимоя қиладиган, халқаро инсон ҳуқуқлари меъёрларига мос келадиган энг инсонпарвар сиёсатни вужудга келтириш зарур эди. Республика ҳукумати Ўзбекистон раҳбари бошчилигида худди ана шу йўлни танлади. Биринчи галда миллатлараро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини яратишга киришилди. **Халқларнинг миллатидан, тили, эътиқоди ва бошқа хусусиятларидан қатъий назар мамлакатнинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида тенглаштириб қўйиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.**

(Давоми иккинчи бетда).

ИФТИХОР

(Давоми. Бошы биринчи бетда).

Яқин ўтмишимизга бир назар солайлик. Собиқ СССР Конституцияси ва КПСС Программасида миллий тафовутларни йўқ қилиш, миллий ўзига хосликни, миллий анъаналар ва урф-одатларни барбод этиш йўли билан ягона совет халқини вужудга келтириш давлат сиёсати сифатида белгилаб қўйилган эди. Дарҳақиқат, бу ғайриинсоний ҳодиса қонун билан мустаҳкамланиб, раҳбар орган ҳисобланган коммунистик партия дастурида алоҳида таъкидланган эди. Жумладан, КПСС программасида ўтган давр мобайнида янги тарихий бирлик — совет халқи вужудга келди деган иборалар алоҳида фахру ифтихор билан баён этилган эдики, у ўша даврнинг энг жанговар шиорига айланган эди.

Давлатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ Ўзбекистон миллий ва миллатлараро муносабатлар масаласида ўз сиёсий йўлини очиқ-ойдин баён этди. Мамлакатда ҳар қандай миллат хавфсизлиги тўла таъминланиши, миллий равнақ ва миллатлараро муносабатларнинг соғломлигини таъминлайдиган барча имкониятлар ишга солинишини алоҳида кўрсатиб берди.

Ўзининг **«Ўзбекистон — келажаги буюк давлат»** номли асарида юртбоши: **«Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқи ҳамда эркинликлар муқаддас сақланиб, улар давлат томонидан кафолатланади»** — деб ёзади. Бу бизнинг минг йиллар мобайнида улуғ аждодларимиз томонидан илгари сурилган ғояларга жуда мос келади. Янги тарихий шароитлар ва эндигина шаклланаётган ёш мамлакатда энг инсонпарвар, ҳуқуқий демократик давлатни, фуқаролар жамиятини вужудга келтириш сиёсатини илгари суради. Бу янги ижтимоий-сиёсий бўҳронлар ва ҳали аҳоли тушуниб улгурмаган пўртаналар даврида мамлакат раҳбарининг узоқни кўзлаган, миллат равнақига таянган қарашлари эди. Шундан сўнг мамлакатда миллатлараро муносабатларнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистонда «Фуқаролик тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, унинг тинч ҳаётини кафолатлашга ва ижтимоий муҳофаза қилишга дахлдор бир қанча Қонунлар, Фармон ва фармойишлар, ҳукумат қарорлари эълон қилинди. Ана шу қонунлар асосида барча миллатларни ҳуқуқий жиҳатдан тенглаштирувчи Ўзбекистон фуқаролиги мақоми таъсис этилди.

Бир қанча қўшни мамлакатлар раҳбарлари катта сиёсий нуфуз ва обрўга эга бўлиш, ном чиқариш, жаҳон жамоатчилиги диққатини тортиш, ўзини «чинакам демократ» эканлигини исбот қилишга зўр бериб уринишлар юз бераётган бир пайтда бизда миллат шаънини тиклаш, ҳар қандай оғир шароитда ҳам миллатлараро муносабатларни чуқурлаштириш, шу асосда ишлаб чиқариш ва иқтисодий аҳволнинг барқарорлигини таъминлаш йўли тутилди. Натижада ҳаёт барча сиёсий жазаваларга шовқин-суронлар, халқ тинчлиги, турмушнинг кафолатланганлиги олдида ҳеч нарса эмаслигини, бош масала умумхалқ ва умумдавлат манфаати йўлидаги қатъий интизом эканлигини кўрсатди.

Бир зум Давлат тили тўғрисидаги Қонун қабул қилинган пайтни кўз олдимизга келтирайлик. Москванинг зўравонлиги, миллатларни йўқ қилиш, улар равнақини барбод этиш сиёсати авж олган бир пайтда Ўзбекистонга ўз номини берган миллат тилига Давлат тили мақомини бериш катта журъат ва жасоратни талаб этар эди. Ана шундай қийин, зиддиятларга тўла, турли келишмовчиликлар ва қарама-қаршиликлар авж олган бир пайтда мазкур Қонун қабул қилинди.

Мамлакатимизда мустақиллик тобора чуқурроқ илдиз отаётган бир пайтда ғоявий мухолифларимиз турли йўллар билан фитна уруғини сепмоқдалар. Давлат тили ҳақидаги қонун амал қилаётгани ҳам уларнинг ғашига тегмоқда.

Ўзбекистонда халқлар ва миллатлар табақалаштирилмоқда, ўзбекларга олий миллат, қолган барча миллатларга иккинчи даражали халқ сифатида қаралмоқда, деган асоссиз даъволарни кўтариб чиқмоқдалар. Аслини олганда давлатга номини берган миллат тили йўқ бўлиб кетаётган эди. Ўзбекларга ўз она тупроғида ўз тилида гапириш ҳуқуқи берилди, холос. Бу бошқа миллатларни камситиш, уларни сиқиб чиқариш кичик халқларнинг ёки туб бўлмаган аҳолининг миллий равнақига раҳна солиш эмас, аксинча миллий давлат нуфузи, унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, ҳақ-ҳуқуқи тўғрисидаги халқаро нормаларга мос келувчи қонуний ҳолат! Қолаверса, бундай ҳодиса жаҳон давлатчилиги амалиётида кенг қўлланилмоқда ва миллий давлатчиликни қарор топтиришда ўзининг самарали натижасини бермоқда.

Умуман давлатимиз сиёсатини инсонпарварлик, инсон ҳуқуқларини барқарор тарзда ҳаётга жорий этиш ғоялари сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ислоҳотлар билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб борилади. Юксак маънавият, инсоннинг маънавий камолоти, ички дунёсининг бой ва гўзал бўлиши мулкчиликни ривожлантириш, ишбилармонлик ва иқтисодий ислоҳотлар бошқа турларининг асоси сифатида кўтарилади. Ватанпарварлик, миллий ифтихор, она-юрт билан фахрланиш, ҳар қандай шароитда ҳам ана шу замин, ана шу халқ, жонажон қўшнинг ва маҳалланг учун фидойиликка тайёр туриш орзу-истаги давлат сиёсати даражасига кўтарилади.

Ғоявий мухолифлар миллий тафовутларни йўқотиш, миллатларни ўзаро яқинлаштириш ниқобида турли низоларни келтириб чиқариш, экстремистик ҳаракатларни авж олдириш ва натижада мустақил давлатлар ўзларини бошқара олмаяптилар, уларга тинчлик ва осойишталикни кафолатлайдиган, раҳнамолик қилиб турадиган улуғ миллат зарур, деган фикрлар билан ўзларининг олдинги мавқеларини тиклаб олиш, тазйиқ ва зўравонликларни авж олдириш, мустамлакачиликни қайтадан тиклашга зўр беришмоқда.

Бу ивгоарликларнинг ҳаммаси кучли Ўзбекистон давлатини барбод этиш ниятида амалга оширилмоқда. Ваҳоланки, Ўзбекистон Конституциясида бундай ҳаракатлар оғир жиноят қаторига киритилган. Яна шуниси диққатга сазоворки, Ўзбекистонда яшаётган рус халқининг асосий қисми республика Конституциясини, фуқаролик тўғрисидаги Қонун ва умуман Президент Ислом Каримов сиёсатини тўла қўллаб-қувватламоқда. Буни ҳис қилиш учун бир неча рус оила аъзолари билан суҳбат қилиб кўришнинг ўзи етарли. Улар Ўзбекистонни ўз Ватанлари деб чин дилдан атайдилар. Баъзилар, Россия бизни қучоқ очиб кутиб турганга ўйлаб, деяптилар.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни вужудга келтириш, фуқаролар жамиятини шакллантириш сиёсатимизнинг бош йўлидир. Баъзи мухолифларга Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли, мустақил нуқтаи назари, жаҳон сиёсий майдонида ўз ўрни борлиги ёқмаяпти. Гўёки, Ўзбекистонда демократия йўқ, ҳуқуқий давлатни вужудга келтиришда пассивлик қилинаётган эмиш.

Жамиятни демократиялаш — бу жуда мураккаб, кўп қиррали, айни пайтда изчилликни тақозо этадиган ижтимоий ҳодиса. Бу жараён беосита мамлакат аҳолиси турли табақаси умумий онглилик даражаси, сиёсий маданияти ва воқеликка муносабати билан боғлиқ.

Жамиятни демократиялаш — бу энг аввало миллат равнақини таъминлаш, ҳурфикрлилик, соғлом тушунчалар, юксак сиёсий маданиятга таянадиган ҳолат! Акс ҳолда жаҳолат ўстуни келиши, қабоҳатга ва шафқатсизликка йўл очилиши мумкин. Натижада ортиқча эркинлик бош-бошдоқликка айланади. Ана шунда миллат ҳам, мамлакат ҳам ҳалокат ёқасига бориб қолади.

Президентнинг фикрича, энг муҳими, халқ демократияни чуқур тушуниши, унинг бутун мазмун-моҳиятини англаши, унга муносиб бўлиши зарур. Маънавий баркамоллик, ахлоқий етуклик—демократиянинг таянчи. Шунинг учун ҳам у жамиятни демократиялашни узоқ муддатли жараён сифатида тушунади. Дарҳақиқат, узоқ йиллар мобайнида шаклланиб қолган кишилар онгини бир кун ё бир йилда бутунлай ўзгартириш мумкин эмас. Эски тушунчалардан воз кечиш, янгича қарашларнинг мазмун-моҳиятини англаш вақти талаб этадиган маънавий-ахлоқий, иқтисодий-сиёсий, маданий-маърифий жараён. Киши онгидаги эскича қарашларнинг янгиликка осонликча ўрин бермаслиги ҳолати, янгилик эса қийинчилик билан ўзига йўл очиб бориши мураккаб руҳий ҳодиса. Дарҳақиқат, аҳоли энг аввало демократияга кўникиши, унинг мазмун-моҳиятини англаши, унга тайёр бўлиши, эркинликни юксак ахлоқ, маънавият ва сиёсий онглилик нормасига, турмуш тарзига айлантириши керак. Акс ҳолда асоссиз фикрлар, қарашлар эркинлиги, тарихий-ижтимоий жараёнларнинг табиий ривожига тўсиқ бўлади, халқ ва мамлакат бошига кулфатлар келтиради.

Президент Ислом Каримов ўз ақидасига содиқ ҳолда масалаларга қатъият билан мамлакат ва халқ манфаатидан келиб чиқиб ёндошмоқда. Бу йўлда у маълум даражада қаттиққўллик ва талабчанлик ҳам қилмоқда. Буни «Комсомольская правда» газетаси мухбири саволларига берган жавобларида очиқ-ойдин айтди: **«Мухолифларим мени диктатор қилиб кўрсатишни жуда хоҳлайдилар. Тан оламан: эҳтимол менинг ҳаракатларимда авторитаризм нишоналари бордир. Аммо, мен буни фақат бир нарса билан изоҳлайман: тарихнинг муайян даврларида, ҳақиқий давлатчилик қарор топаётган пайтда, айниқса бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида, ҳар ҳолда кучли ижроия ҳокимияти зарур. Қон тўкилишига ва қарама-қаршиликка йўл қўймаслик, минтақада миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги, тинчлиги ва барқарорликни сақлаш учун шундай бўлиши зарур. Бу йўлда мен жонимни фидо қилишга тайёрман».**

Айрим мутахассисларнинг фикрича демократик, давлат бошқарувига асосланган, инсонпарвар, фикрлар хилма-хиллигига кенг йўл очиб берган ҳар қандай давлат ҳам айрим ҳолларда кучли президент ҳокимиятидан зарар кўрмас экан. Айниқса, у соғлом ғояларгагина таяниш, уларни қўллаб-қувватлаш туфайли қаттиққўллик ва қатъият билан яхшиликни ёмонликдан, ақл-идрокни ҳиссиётдан ҳимоя қилади. Мамлакат аҳолиси асосий кўпчилик қисми мақсадларига мос келадиган эҳтиёжларни қондиришга катта имконият яратади. Ана шундай қатъий интизом, қонун устиворлиги, унинг олдида барчанинг баравварлигини таъминлашга эришган давлатгина ўз фуқароларининг бой маънавият ва сиёсий маданият эгаси бўлишига, шу асосда жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминлашга эришади. Зеро, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши тўғридан-тўғри ана шу давлат тенг ҳуқуқли фуқароларининг маънавий қиёфаси, ички дунёсининг нечоғлик бойлиги билан боғланади. Чунки бундай мамлакатда меҳнатга муносабат ва ишлаб чиқариш маданияти фуқароларнинг ички маданияти билан уйғунлашиб кетган бўлади.

Ўзбекистоннинг ислоҳотчилик сиёсатида масаланинг худди ана шу жиҳати муҳим босқич сифатида ўрин тутади. Маънавий ва моддий эҳтиёж ахлоқий ва иқтисодий категорияларнинг синтези, уйғунлашган шакли сифатида яхлит ҳолатда кўзга ташланади. Бу янги шароитларда янги типдаги инсонни шакллантириш асосида сифат жиҳатидан янги кишилик жамиятини барпо этиш сиёсатидир!

Бир қатор хорижлик сиёсатдонлар Ўзбекистонда миллий давлат қурилишида ўз қолипларини тавсия этишмоқда. Бироқ, ўз мамлакати хусусиятлари, анъаналари, иқтисодий, жуғрофий имкониятлари ва миллий давлатчилик тажрибаларидан келиб чиқиб иш юритиш бизнинг танлаган йўлимиздир. Зеро, дунёда иккита бир хил одам бўлмаганидек, иккита бир хил давлат ҳам бўлмайди. Ўз мамлакати эҳтиёжларини ҳисобга олмай, миллий равнақни таъминлаш мумкин эмас. Турли хорижий мамлакатлар дастурига кўр-кўрона таяниб, иш тутган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги айрим мамлакатлар қаттиқ адашдилар. Уларда ўз халқи дунёқараши, воқеа-ҳодисаларга муносабати, мамлакат итисодий ва ижтимоий ҳолатини ҳисобга олмай, тайёр андозаларни тўғридан-тўғри тиқиштириш ҳунук оқибатларга олиб келди. Аксинча, вақт Ўзбекистон тутган сиёсий йўл нақадар тўғри ва асосли эканлигини кўрсатди. Бунга давлатимизнинг жаҳон майдонида обрўси тобора ошиб бораётганлиги, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг тўла таъмин этилганлиги яққол мисол бўла олади. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ҳуқуқий демократик давлатни вужудга келтириш, бозор иқтисодига ўтиш борасидаги икки йиллик тажрибасига жаҳон жамоатчилиги ижобий баҳо бермоқда.

Гарчи умумий мақсадлар ва дунёвий муаммоларга муносабатларда барча мамлакатлар ва халқлар ҳамфикр бўлишса-да, алоҳида давлатлар ва миллатлар тақдири ҳал бўлаётганда унинг ўз эҳтиёжлари ва миллий хусусиятларига суяниб иш тутиш керак бўлади.

Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг боришидан, унинг маънавий, иқтисодий ва бошқа жиҳатларидан келиб чиқадиган ўтиш даври бўладики, булар ҳеч қачон бир қолипда бўлмайди, бир-бирига ўхшамайди. Ана шундан келиб чиқиб АҚШ, Буюк Британия, Олмония ёки Франциянинг туб бурилишлари тарихини ҳеч қачон Ўзбекистонда вужудга келган ўтиш даврига қиёслаб бўлмайди. Чунки биз бир тузумдан бошқа бир тузумга ўтаяпмиз. Бу тарихий ва ижтимоий жиҳатдан энг мураккаб жараён.

Юқорида тилга олинган мамлакатларимизнинг ҳаммаси бир ижтимоий-сиёсий тузумда иқтисодий тараққиётнинг табиий қийинчиликларнигина енгишган, холос. Шу боис уларга бизда юз бераётган жараёнлар бегона. Шунингдек, Таиланд, Сингапур, Жанубий Қурия ва бошқа мамлакатларни бизларга мисол қилиб келтиришади. Улардан андоза олишни тавсия қилишади. Бу мамлакатлар қолоқ пайтида ҳам уларда бозор мавжуд эди. Бозор иқтисоди, хусусий мулкчилик, одамларда ўз мулкига эгалик тушунчаси бор эди. Капиталистик ишлаб чиқариш асослари мавжуд эди. Бизда бу нарсалар йўқ эди. Одамларимиз бутунлай бошқача тарзда, бошқача ақидалар билан яшаганлар. Биз аввало мулкчиликни ривожлантиришимиз, уни англашимиз, моҳиятини тушунтиришимиз керак. Одамларда хусусий мулкчилик, хўжайинлик тушунчаларини шакллантиришимиз лозим. Ҳозиргача одамларимиз жамоа мулки, халқ ё давлат мулки деган фикрлар билан яшаб келишган. Демак, биз олдин онгимизда, тушунчамизда ислоҳотлар ясашимиз керак.

Юртимизда мулкчилик тўғрисидаги турли-туман қонун ва қарорларнинг қабул қилинаётгани, давлат мулкини хусусийлаштириш сингари кенг қамровли тадбирларнинг ишлаб чиқилаётгани бежиз эмас. Буларнинг бари олдин мулкка эгалик ҳуқуқини қўлга киритиш, сўнг ҳар томонлама адолатли бозорни вужудга келтиришдек туб иқтисодий ислоҳот сиёсатининг асосидир. Туб ислоҳотларни ташкил этишдаги тўғри йўлларимизнинг асоси ана шунда! Давлат бошқаруви, янги ижтимоий-сиёсий тузумни вужудга келтиришдаги сиёсати ана шунда! Бундай инқилобий ўзгартишлар даврида шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Бу жараёнларни табиий ҳолда бир ўзандан бошқа ўзанга буришни, ўта сабр-тоқатни, эпчиллик ва ҳушёрликни талаб этади. Шунинг учун ҳам юртбошимиз **«Янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаслик»**ни уқтириб келмоқда.

Ҳозирги ўзбек миллий давлатчилиги, давлат қурилиши тамойиллари ана шу жараёнларнинг табиий бориши, аста-секинлик билан тадбирларни амалга ошириш принципига таянади. Натижада бу масала бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда ва жаҳон жамоатчилиги диққатини тортмоқда.

Одамлар кайфиятига кескин таъсир этадиган, қолаверса таҳлика ва ташвишга соладиган зиддиятлар — ўтиш даврининг табиий ҳодисасидир. Бундай пайтда кучли ижроия ҳокимияти бўлиши керак. Акс ҳолда жилов қўлдан чиқиб кетиши ва мамлакат инқирозга юз тутиши ҳеч гап эмас. Масалан, Қурия, Туркия ва бошқа мамлакатларни олайлик. Улар иқтисодий ислоҳотлар ёки ўтиш даврида жуда кучли ижроия ҳокимиятига асосланган эди.

Мамлакатимиз сиёсатига тарихий-жуғрофий тараққиётга аҳамият бериш, яқин қўшни мамлакатлар билан ягона иқтисодий минтақани ташкил этиш катта ўрин тутади. Буни 1993 йил январь ойида шахсан И. Каримов ташаббуси билан Тошкентда Марказий Осиё ҳамдўстлигига асос солинганлиги яққол кўрсатади. Дарҳақиқат, мустақилликка эришган ёш давлатлар ўз тараққиётини фақат ўз имкониятлари билан таъминлаш жуда қийин. Аслини олганда дунёда бирон бир давлат ҳар жиҳатдан ўз эҳтиёжларини фақат ўзи тўла қондиролмаган. Бу кишилик тарихидаги табиий ҳодиса. Бироқ энг аввало тарихан яқин, илдизлари туташ, эътиқоди ва дунёқарашлар жиҳатидан муштарак бўлган қўшни мамлакатлар ҳамкорлиги заруратдир. Ана шу тарихий тажрибага таянган ҳолда Ислом Каримов қадимдан бир ҳудудда яшаб, тарихи ва тақдири бир бўлган халқларни яқинлаштириш йўлини тутиб, мустақилликни шиор қилиб, масалаларга юзаки қарайдиган бошқа мамлакатларга ўрнак бўладиган масалани кўтариб чиқди.

Шуни ҳам айтиш керакки, якка ҳолда ривожланиш йўлини тутишдек салбий ҳодисани Африкадаги бир қатор мамлакатлар, яъни Замбия, Сомали, Судан ва бошқа мамлакатлар мисолида кўриш мумкин. Бу ерларда уруғ-аймоқчиликнинг кучайиб кетиши, фақат тор манфаатлар ва миллий маҳдудлик қобиғидан чиқолмаслик натижасида мамлакатлар таназзулга учради. Ташқи қарзлар ҳажми кўпайиб кетиб, аҳоли ҳаёти таҳликали тус олди.

Албатта, Марказий Осиё мамлакатлари ҳамдўстлигини амалга ошириш нафақат иқтисодий, балки сиёсий, жуғрофий, тарихий, этник аҳамиятга эга. Бу мамлакатлар ўзаро зич ва бир-бирига яқин жойлашганлиги, бир хил табиий иқлим, ер шароити жиҳатидан, ўхшашлиги, ягона сув ҳавзасига эга эканлиги жиҳатидан ҳам ҳар томонлама ҳамкорлик катта самара беради.

Замон доимо турли ривожланиш жараёнидаги давлат раҳбарларини жиддий синовларидан ўтказиб келган. Бугунги кунда тарих янги ёш Ўзбекистон давлати йўлбошчисига шундай масъулиятни юклаган. Молия ва ривожлаштириш борасида бой тажрибага эга бўлиш, раҳбарликнинг барча поғоналарини бошдан ўтказиб, ҳаёт аччиқ-чучукларини англаган, давр талабини тез сезиб, унга мос сиёсат юргиза билиши сабабли у жаҳон сиёсатида ўз ўрнига эга бўлди.

Бугунги кунда у давримизнинг энг кучли ислоҳотчиларидан бири! У жаҳон давлатчилиги назарияси ва амалиётини янги шароитларда янгидан-янги ижтимоий-сиёсий жараёнлар оқимида ўз қарашлари ва тажрибалари билан бойитиб бормоқда.

Президент Ислом Каримов аллақачон ўз мамлакати доирасидан чиқиб, жаҳон цивилизацияси майдонидан ўзига мос нуфузли ўрни эгаллаган давлат ва сиёсат арбоби! У ҳар қандай мамлакат ва миллат тараққиётида расмий ва жуғрофий чегаралар доирасидан чиқиб кетиш, улкан иқтисодий ҳамкорлик минтақаларини ташкил этиш тарафдори ва ташаббускори!

* * *

Ўтиш даври турли мамлакатларда турлича кечади. Бироқ, жаҳон давлатчилиги тарихи, асосий кўпчилик мамлакатлар бундай пайтда кучли ижроия ҳокимиятини вужудга келтириш йўлини танлаганлигини кўрсатмоқда. Баъзилар парламентаризм ҳақида гапиришади-ю, унинг имкониятлари маълум даражада чекланганлигига унчалик эътибор беришмайди. Айрим ясама «демократлар» эса парламент давлат органлари тизимида марказий ўринни эгаллайди деган фикрни ўртага ташлашади. Бироқ давлатчилик амалиёти ва тажрибаси буни инкор этади.

XIX аср охири XX аср бошларида ҳокимиятда ва давлат тизимида парламент марказий орган ҳисобланган ҳамда ҳал қилувчи кучга эга бўлган. Бу даврни парламентаризм даври дейишади. Вужудга келган буржуа синфи феодал аристократияга қарши курашда парламентдан кенг фойдаланган. Шунинг учун ҳам у пайтда парламент давлат тизимида марказий орган ҳисобланган. Лекин асримизнинг 30-йилларидан кейин парламентаризм дунёда, қарийб ҳамма мамлакатда инқирозга учради. Ижро ҳокимияти кучая бошлади. Демак, бошқарув тизими табиий ҳолда бир шаклдан иккинчи шаклга ўта бошлади.

Давлат бошқаруви турли мамлакатларда турли шаклларда бўлиши мумкин. Умуман бошқарувнинг қайси тури танланганидан қатъи назар ижроия ҳокимият кимнинг қўлида бўлса, ўша одам давлат марказида бўлади. Президент бошқарувида Президент, парламентар-республика бошқарувида эса ҳукумат, Баъзилар парламентар-республика бошқарувида парламент асосий роль ўйнайди, деган фикрни билдиришади. Аслида эса бундай эмас. Ҳаттоки бошқарувнинг бундай турларида ҳам давлат органи тизимида ижроия органи асоси бўлган ҳукумат эгаллайди. Масалан, бошқарувнинг парламентар шакли мавжуд бўлган Ҳиндистонда бош вазир, Олмонияда канцлер.

Бошқарувнинг президентлик-республика шакли тоталитар тузумга олиб келади, дейдиганлар ҳам бор. Бу асоссиз тушунча. Чунки бошқарувнинг бу усулида дунёда тан олинган ҳокимият бўлиниши таомили адолатли тарзда амалга оширилади. Жумладан, қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимияти тенгматенг иш олиб боради. Президентлик-республика бошқарувида ижро ҳокимияти президент қўлида бўлади. Бу бошқарувнинг жаҳон давлатчилик тажрибасида тўла синовдан ўтган классик шакли.

Давлат бошқаруви бўйича ўзларини дунёда катта мутахассис деб билаётган баъзи «демократ»лар кўп ҳолларда республикамизни жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари билан таққослашади. Бундай муқояса кўп ҳам асосли эмас. Ҳаёт ёш, мустақил республикаларнинг ҳар томонлама имкониятларини ҳисобга олиб, ривожланаётган мамлакатлар билан таққослаш кераклигини кўрсатмоқда.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, ўтиш даврида ижроия ҳокимияти бир шахснинг қўлида қаттиқ туриши ва айни пайтда кучли ижроия ҳокимиятига айланиши керак. Шунинг учун ҳам мустамлакачилик асоратидан халос бўлган мамлакатларнинг барчасида давлат бошқарувининг ё Президентлик-республика шакли, ё дуалистик-монархия шакли ўрнатилган. Чунки бундай мураккаб, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, аҳоли руҳияти ҳамда дунёқарашида кескин бурилиш ясайдиган ўтиш даврида турли сиёсий кучлар, ташкилотлар, барча фуқаролар қарашларидан қатъи назар иқтисодий ва сиёсий тараққиёт, умумхалқ ва умумдавлат манфаатлари йўлида бир шахс атрофида бирлашиши шарт. Қолаверса, бундай ҳолат ҳар қандай шароитда ҳам шахсий манфаатлардан халқ ва давлат манфаатини устун қўйиш бой маънавият, юксак сиёсий маданият кўрсаткичидир.

Шуниси диққатга сазоворки, кейинги йилларда давлат бошқарувининг парламентар-республика ва монархия шакли жорий этилган давлатларда ҳам марказий ўринни парламент эмас, балки ҳукумат эгалламоқда. Бундай ҳолатни ҳатто ривожланган мамлакатлар — Олмония, Буюк Британия, Италия, Япония, ва бошқа мамлакатларда ҳам кўришимиз мумкин. Бу мамлакатларда аслида бошқарувнинг парламентар республика ва парламентар-монархия шакли мавжуд бўлса-да, ижро ҳокимияти раҳбари бўлмиш ҳукумат бошлиғи қўлига жуда катта ваколатлар берилган. Баъзи бир хорижий олимларнинг фикрига кўра бошқарувнинг парламентар-республика ва монархия шакллари жорий этилган давлатларда ҳукумат бошлиғининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мавқеи (Олмония, Буюк Британия, Япония) Президентлик-республика бошқаруви шакли ўрнатилган мамлакатлар президентларининг ваколатларидан катта. Чунки президентлик-республика бошқарувида давлат бошлиғи ижроия ҳокимиятининг бошлиғи ҳисобланади. Бошқарувнинг парламентар-республика шаклида эса ижро ҳокимиятининг бошлиғи ҳисобланиши ҳукумат бошлиғи парламент сайловлари натижасида сайланганлиги сабабли у ҳам ижроия, ҳам қонунчилик ҳокимиятига раҳбарлик қилиш имконияти катта. Чунки у ҳукумат бошлиғи сифатида ижроия ҳокимиятини бошқарса, парламентга ўтказилган сайловларда кўп овоз олган сиёсий партия раҳбари сифатида парламентга ҳам катта таъсир кўрсатиш имкониятига эга.

Умуман, жамиятни бошқаришда давлат бошлиқларини сайлаш тартиби ҳам жуда катта сиёсий аҳамият касб этади. Парламентар-республика бошқаруви шаклидаги давлатда президент парламент аъзолари овози билан сайланади. Президентлик-республика бошқаруви шаклидаги мамлакат президенти эса парламент иштирокисиз, бевосита халқ томонидан сайланади, ўз ваколатларини халқдан олган ҳисобланади. Ҳозирги замон давлатчилиги тажрибасига таяниб шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, бошқарувнинг президентлик-республика шакли давлат бошқарувининг энг мақбул шаклидир.

Масалага аниқлик киритиш учун бир мисол келтирайлик. Россияда аҳвол тобора чигаллашиб боришида парламентнинг ҳам маълум даражада айби бор. У икки йил ичида битта Конституцияни қабул қила олмади, Мамлакатда бошқарувнинг асосий йўналишини белгилаб берувчи бош қонун йўқ эди. Зудлик билан шошилинч тарзда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар парламентда ортиқча мунозара, жанжал ва ёқалашишлар туфайли ҳал этилмай қолаверди. Натижада халқ оч қолди, қон тўкилди. Мамлакат боши берк кўчага кириб қолди.

Ўтиш даврида ўз вақтида қабул қилинмаган қарор мамлакат ва халқ бошига кутилмаган ҳодисаларни келтириб чиқариши, ижтимоий-сиёсий жараёнларни бошқа ўзанга буриб юбориши мумкин. Шунинг учун ҳам бундай пайтда Президент ижроия ҳокимиятни ўз қўлига олиши ва шошилинч тадбирларни амалга ошириш кафолатига эга бўлиши лозим. Ана шунда қарорлар ўз вақтида қабул қилинади, масалалар ўз вақтида ечимини топади.

Умуман давлат бошқарувида норматив актларнинг ўз вақтида қабул қилиниши катта аҳамиятга эга. Бунда ижроия ҳокимияти билан қонунчилик ҳокимияти ҳамкорликда ишлаши лозим. Бундай тажриба Ўзбекистонда қўлланилгани анча самара берди ва бугунги бир маромдаги ривожланишни таъминламоқда.

Ўзбекистондаги бошқарувчиликнинг адолатли томони шундаки, республика Конституцияси энг демократик давлатлар тажрибасига таяниб қабул қилинди. Бошқарувнинг уч ҳокимиятга бўлиниши, ҳар бир мансабдор шахснинг ваколатлари аниқ ва равшан кўрсатиб берилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Ўзекистон давлатчилигида қатъий интизом бор. Бу интизомни назорат қилиб борувчи конституциявий суд мавжуд. Олдинги конституциявий назорат кейинчалик судга айлантирилди. Чунки, назоратда муҳокама қилиш, таҳлил этиш, келишувчанлик мавжуд, судда эса қатъий интизом, қатъий ҳукм бор. Бу ўтиш даврида катта аҳамиятга эга. Жумладан, ҳар қандай масалани узил-кесил ҳал этиш, қатъий қарор ва хулосага келиш имконияти бор.

Бошқарув шакллари тўғрисида икки оғиз сўз. Кўпинча бошқарув шакли билан сиёсий режим тушунчаларининг фарқига бормаймиз. Масалан, Президентлик-республика бошқаруви шаклида фуқароларнинг, партиялар ва парламентнинг ҳуқуқлари чекланади, ҳокимият бир шахснинг қўлида қолади, халқ вакиллигининг имкониятлари тораяди, деган фикрларни ҳам билдирадиганлар бор. Ваҳоланки, бошқарув шакли бошқа, сиёсий режим бутунлай бошқа нарса. Бошқарув шакли деганда марказий давлат органлари тизими тартиби, уларнинг ўзаро муносабатлари ва ваколатларининг чекланиш даражаси тушунилади. Марказий давлат органлари жумласига эса қонун чиқарувчи орган — парламент, ижро ҳокимияти —ҳукумат ва давлат бошлиғи, судлов органи, Олий суд киради.

Сиёсий режим деганда эса давлатдаги шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари даражаси, шахснинг ҳуқуқий ҳолати, фуқаролик муносабатлари ва уларнинг конституцион мустаҳкамланиши тушунилади. Масалан, АҚШ бошқарувнинг Президентлик-республика шаклида, Буюк Британия бошқарувнинг парламентар-монархия, Германия — парламентар-республика, Франция эса дуалистик-республика шаклида. Буларда бошқарув шакли турлича бўлса-да бир хил сиёсий режим—демократик режим ўрнатилган. Демак, Ўзбекистонда ҳам бошқарувнинг қандай шакли жорий этилишидан қатъи назар сиёсий режим ўз йўналишида кетаверади.

Туб бурилишлар ва инқилобий ўзгартишларнинг нечоғли самарали бўлиши ё бўлмаслиги, жамият ҳаётининг қандай ўзанга бурилиб кетиши, кишилар тақдирининг қандай тус олиши бевосита давлат бошлиғининг дунёқараши, оғир пайтларда энг мақбул ва энг тўғри йўналишни тез англаб олиш қобилияти билан боғлиқ. Дарҳақиқат, жамият ва инсоният тараққиётида шахснинг роли бениҳоя катта. Раҳбар-шахснинг маънавий, ижтимоий-сиёсий баркамоллиги, қандай мақсад ва ғоялар билан яшаётганлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Шарқ донишмандлари давлат тепасида турган киши қанчалик доно, ақлли ва сезгир бўлса ўша давлат учун ҳам, унинг халқи учун ҳам шунчалик катта бахт дейишган.

Кишилик тарихи турли даврларда турли дунёқарашдаги давлат арбобларини кўрганки, уларнинг ҳар бири одамлар тақдирини бутунлай кутилмаган ҳодисаларга буриб юборган. Тарихнинг бир маромдаги йўналишини ўзгартириб юборган ва кейинги авлод тақдири, ҳаётининг мазмун-моҳияти бутунлай бошқача тус олган. Дейлик соҳибқирон Амир Темур марказлашган давлатчилик сингари улкан ғоялар билан яшамаганида, тарқоқ турли халқларни бирлаштирмаганида жаҳон цивилизациясига дахлдор бўлган улкан маданиятнинг дунёга келишига замин яратилмасди. Темур ўрнида бўлган хоҳлаган одам худди шу йўналишда, айни шу тарзда иш олиб боради, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур бошига тушган кулфат туфайли тақдир тақозоси билан «Ҳинд сори юзланди»-ю бутун Осиё заминида тарих, улкан ҳудуд аҳолисининг турмуш тарзи ўзгариб кетди. Дунё давлатчилиги анъаналари мисли кўрилмаган натижалар билан бойиб, турли дин, мазҳаб, миллат, элат ва ғоядаги кишиларни буюк мақсадлар йўлида бирлаштириш сингари улкан дипломатия ва ноёб сиёсат туфайли жаҳон маданияти тараққиёти янада тезлашди.

Ўзбекистон Президенти эса сиёсий, ташкилий, ғоявий ва бошқа турли маъмурий жиҳатлардан жуда мустаҳкамланган, янгича яшашни мутлақо истамайдиган тузум томирлари чирмашиб кетган бир шароитда янгича тафаккур ва янгича яшаш тарафдори бўлиб чиқди. Мана, мустақилликнинг учинчи йилидирки, эскилик билан тинмай курашиб, янгиликни вазминлик ва машаққат билан онгимизга сингдириб келмоқда. Унинг новаторлик кучи мамлакатни бир тузумдан иккинчи бир тузумга ўта хушёрлик, донолик, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига қатъий ишонч, барча соҳадаги ислоҳотларни эпчиллик ва қаттиққўллик билан жорий этишга интилишида намоён бўлмоқда. Бу Президентнинг шахс сифатидаги ноёб фазилати.

Очиғини айтайлик. Мабодо тақдир тақозоси билан давлат бошига Ислом Каримов ўрнига бошқа одам келиб қолса, Ўзбекистон ўшанда ҳам худди шу йўлдан борармиди? Бунга ҳеч ким кафолат бера олмайди! Албатта, феъл-атвори, воқеа-ҳодисаларга муносабати, жараёнларни нечоғлик тўғри баҳолай билиши жиҳатидан бошқа раҳбар ё ўта «демократ» бўлиб, мамлакатни «бозор»га айлантириб, халқ бошига Россия ёки Тожикистон кунини соларди, ё бўлмаса бир жойда депсиниб, ўз қобиғидан чиқолмай турарарди. Ҳар икки ҳолатда ҳам фақат халқ жабр кўрарди. Бутун машаққат ва азоб-уқубат унинг бошига тушар

• ХДП ҳаётидан

САФЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Партия обрўси — унинг сиёсатини омма ўртасида нечоғли тарғиб ва ташвиқ қилиш билан чамбарчас боғлиқ. Шуни ҳисобга олган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марғилон шаҳар кенгаши ўз фаолиятини партиявий-ташкилий ишларни яхшилаш, аъзолари сафини мустаҳкамлаш ва партиянинг омма ўртасидаги обрўйини оширишга эътиборни қаратмоқда.

Партияга қабул масаласида шаҳардаги йирик саноат корхонаси ҳисобланган ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, бошланғич партия ташкилоти ибратли ишларни амалга оширмоқда. Яқинда бирлашмада партия билетларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Шаҳар ҳокими Абдуваҳоб Рўзиев Ўзбекистон Республикаси Президенти, партия Раиси И. А. Каримов олиб бораётган иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар тўғрисида сўзлаб, шаҳарни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалаларига эътиборни қаратди.

Шаҳар ҳокими партия аъзолигига қабул қилинган бирлашманинг 27 нафар муҳандис-техник ҳамда ишчиларига партия билетларини тантанали топширди. Улар орасида бош директорнинг муовинлари Ҳамиджон Сирожиддинов, Баҳодиржон Муҳамедов, механика бўлимининг бошлиғи Равшан Аҳмадалиев, 1-тўқимачилик фабрикасининг бош механиги Мирзараҳим Назиров, бирлашманинг уста ва илғор ишчиларидан М. Фозилов, Г. Умарова, М. Ғаффорова, М. Қосимов, М. Умаралиева, Э. Ҳошимов, М. Орифжонова, М. Мамараҳимовлар бор.

Айниқса, бирлашмадаги Улуғбек Қурбонов, Назиржон Раҳимов, Шамсиддин Мамараҳимовлар котиблик қилаётган 2-тўқимачилик корхонаси, 1-пиллакашлик цехи, 1-тўқимачилик корхоналарида партиявий ва сиёсий ишлар яхши йўлга қўйилган.

Хуллас, бирлашмада кейинги пайтда партия обрўйи ортиб бормоқда. Буни ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 220 нафардан зиёд партия аъзоси қабул қилинганлигидан ҳам билса бўлади. Бу жойда меҳнат унумдорлигини ошириш, унинг сифатини яхшилаш, кадрларни партия аъзолигига қабул қилишга алоҳида аҳамият бериляпти.

Бирлашмада илғорларга партия билетларини топшириш маросимида Ўзбекистон ХДП шаҳар кенгашининг биринчи котиби М. Исоқов, бирлашма бош директори И. Эргашевлар сўзга чиқдилар.

Ўктамжон ЭШОНБОЕВ,
Марғилон шаҳар радиоэшиттириш қўмитаси муҳаррири.
Абдуғани ҚОДИРОВ,
«Марғилон ҳақиқати» газетаси бошланғич партия ташкилоти котиби.

ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилояти кенгашининг саккизинчи пленуми бўлиб ўтди. «Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ижроия бюросининг ҳисоботи ва Марказий Кенгаш пленумларининг қарорлари асосида ички партиявий ишларни такомиллаштириш ҳамда Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб этиш борасидаги вазифалар тўғрисида» вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Йўлдош Суюнов маъруза қилди.

«Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши 1993 йилдаги партия бюджетининг ижроси ва 1994 йилги партия бюджетининг лойиҳаси тўғрисида» вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби Бўрибой Бўроновнинг маърузаси тингланди.

Музокараларда Ўзбекистон ХДП Самарқанд шаҳар кенгашининг биринчи котиби Р. Юсупов, маҳалла хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқарувининг раиси А. Мелиев, Оқдарё туманидаги Қоратери қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Д. Тўрақулова, Пойариқ туманидаги «Чўраш» жамоа хўжалиги раиси Қ. Тўхтамишев, Самарқанд давлат университети профессори Ҳ. Бегматов сўзга чиқишиб, кун тартибидаги ҳар иккала масала юзасидан фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Пленум маҳалла хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқарувининг раиси А. Мелиевни вилоят партия кенгаши ижроия бюроси аъзолигига сайлади.

Пленумда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Н. Ҳолиқов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Маҳмуд ЭРАЛИЕВ,
Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгашининг масъул ходими.

Оқолтин туманидаги «Андижон» ширкатлар уюшмасининг сут-товар фермасида қиш чорва қишлови яхши ўтмоқда. Бунда ХДП бошланғич ташкилоти аъзоларининг ҳиссаси катта. Партия ташкилоти котиби Носир Бердимуродов бу ишда бош-қош.

СУРАТДА: Носир Бердимуродов бош зоотехник Нахалбой Қурбонов ва Сиддиқ Бобоев билан.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

РАВНАҚИМИЗ ОМИЛИ

Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида фаолият кўрсатаётган маърифат марказида шаҳар партия кенгаши ҳамда шаҳар ҳокимлиги ҳамкорликда ЎзХДПнинг Миллий истиқлол мафкураси ғояларини тарғиб ва ташвиқ қилишга бағишланган «Юксак маънавият — миллий равнақимизнинг бош омили» деган мавзуда давра суҳбати ўтказилди. Унда шаҳар зиёлиларининг вакиллари — маорифчилар, тиббиёт ва маданият ходимлари иштирок этдилар.

Суҳбатни ЎзХДП Хонобод шаҳар кенгашининг биринчи котиби Ш. Жалилов олиб борди. Унда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги мафкура марказининг илмий маслаҳатчиси, фалсафа фанлари номзоди Ҳ. Мусаев маърузаси тингланди. Давра суҳбатида Ш. Зуҳриддинов, М. Мадраҳимов ва бошқалар Миллий истиқлол мафкураси ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Андижон вилояти партия кенгашининг иккинчи котиби Й. Собиров Миллий истиқлол мафкурасини кенг меҳнаткаш оммага етказишда партия ташкилотлари ҳамда фаоллар олдида турган муҳим вазифалар ҳақида гапирди.

Шуҳрат МУСАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Мавзуга қайтиб*

- **Улар туз билан олишиб ўз насибаларини йиғиб оладилар**
- **Ер ва сув тилини тушунмоқ...**
- **Иқтисодий ислоҳотдаги тўрт йўналиш асослари**
- **Республикадаги ягона деҳқон хўжалиги уюшмаси**
- **Ҳар кимнинг ўзига берсин.**

ДУНЁ ЙЎЛДАН БОШЛАНАР

МУЗРАБОТ ТУМАНИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Яқинда «Ўзбекистон овози» газетасида О. Усановнинг «Музработнинг иқболи» деб номланган мақоласи эълон қилинди. Мақолани ўқиб Жомийнинг «Баҳористон»ида келтирилган бир ҳикмат эсимга тушди: «Ҳакимлар айтадиларки, адлдан жаҳон ободон бўлур, ситамдан эса вайрон. Адл чегарасидан минг фарсанг жойлар рўшнолик олар, ситам эса минг фарсанг ерларга қора соч солар». Албатта, элу юртда фаровонлик, ободонлик, юксак нону насиба улашиб турган манба кўнгиллардаги адолат нуридир. Бу нур оддий деҳқоннинг ё ишчининг ёхуд ҳоким ё мансабдорнинг, ҳуллас, кимларнинг кўнглида бўлмасин, барибир ундан элу-юрт бебаҳра қолмайди.

«Музработнинг иқболи» мақоласида зикр этилган қайдлар ўзининг ҳаққонийлиги билан бир туман миқёсида бўлаётган эзгу ишларнинг нечоғли аҳамиятли эканлигини исботлайди.

Музработ Сурхондарёнинг чекка, чегара туманларидан бири. Туман бир тарафдан Афғонистон, бир тарафдан Туркманистон билан чегарадош. Бу жой одамларининг меҳнати беихтиёр голландияликларнинг иш тарзини эслатади. Чунки, бутун вилоят туманларидаги оқава сувларнинг шўри Сурхондарё ҳудудидаги охирги энг катта туман — Музработ ерларига келиб тупроқ юзига қалқиб чиқади. Ер бетини туз қоплайди.

Агар тинимсиз меҳнат, устамонлик қилинмаса, коллекторларнинг бир маромда ишлаши, таъмирлаб турилиши назорат этилмаса, туман ҳудудини оппоқ қордек туз қоплаб олади. Сўнг эса шўр тупроқда бута ҳам ўсмай қолади. Шундай экан, голландияликлар ўз ризқу-рўзларини денгиздан тортиб олаётгани каби музработликлар ҳам ўз насибаларини шўр сувга, тузга бой бериб қўяётгани йўқ. Улар ер бетига қалқиб чиқаётган туз билан олишиб ўз эли тупроғини омон сақлаётирлар. Бу борада туман ҳокими Абдухалил Номозовнинг сув хўжалиги бўйича етук мутахассис эканлиги қўл келяпти.

Айни даврда қаердаки юрт манфаатлари учун эзгу ишлар қилинаётган бўлса, бундай ишларни баралла айтишимиз зарур. Гарчанд, барча яхши ишлар тарих олдида ҳам, бугун ё келажак олдида ҳам назардан четда қолмаса-да, ўз даврида эътироф этилгани маъқул. Шунинг учун ҳамки, Республика Олий Кенгашининг сессиясида туман номи яхшилар қаторида тилга олинди. Туман ҳокими А. Номозов 1992 йил бошида ишга келиб, ўз ишини ернинг қони саналган сувдан бошлади. Бошқа илож ҳам йўқ эди. Музработда шароитнинг мураккаблиги ҳам шундаки, агар бу ердан оддий деҳқондан тортиб ҳокимгача ернинг ва сувнинг тилини тушунмаса, тупроқ бир мисқол ҳам ҳосил бермайди. Бутун туман ҳудудини 14 та магистрал зовурлар кесиб ўтади. Бу зовурларнинг суви ўта шўр. Улар учун коллекторлар тинимсиз ишлайди, ҳар йили қайта таъмирланади.

Республика Президентининг мамлакатнинг иқтисодий ҳаётидаги мулкка муносабатларни ўзгартириш борасидаги жон куйдириб таъкидлаётган фикрлари айни пайтда айрим туманларда ўз самарасини бера бошлади.

Бунга тумандаги «Қўнғирот» жамоа хўжалигининг деҳқон хўжаликлари уюшмасига айлантирилиши тўлиқ мисол бўла олади. Мана, эътибор қилинг: ҳокимнинг ташаббуси билан «Қўнғирот» жамоа хўжалигидаги 4125 гектар сувли ер 315 та деҳқон хўжалигига бўлиб берилди. Деҳқон хўжаликлари ҳар бирининг «Тадбиркор» банкида ўз ҳисоб рақамлари очилди. Улар ҳар жиҳатдан қонун билан ҳимоя қилинган ўз мулкларига эга бўлдилар. Ишни бу тартибда ташкил қилиш мулк муносабатларини кўрсатилган йўналиш бўйича ўзгартириш учун асос бўлди.

Туман ҳокими фақат ташкил этилган деҳқон хўжаликларининг ўзи билан чегараланиб қолмасдан, ушбу хўжаликларга хизмат қилиш учун 26 та кичик корхоналар кеч кузда ерни шудгор қилишдан, баҳорда ерга чигит қадашдан тортиб то етиштирилган ҳосил йиғиб олингунга қадар шартнома асосида деҳқон хўжаликларининг хизматида бўлади. Қарангки, энди деҳқон хўжаликлари юқори ҳосил етиштириш билан бирга фақат ўз ишлари билан машғул бўлади. 26 та кичик корхона эса, уларга ишлаш шароитини яратиш билан шуғулланади.

Президент таъкидлаган иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг тўрт йўналишининг бир-бирига ўзвий боғлиқлиги ҳам шундаки, мулк муносабатларининг ўзгариши натижасида ўз-ўзидан раҳбарлик органлари пастдан юқорига қайта ташкил қилина боради. Бу фикрни шундай асослаш мумкин: Хўш, Музработнинг «Қўнғирот» жамоа хўжалигида мулк муносабатлари ўзгарди. Бунинг раҳбарлик органларини қайта ташкил қилишга нима алоқаси бор? Жудаям алоқаси бор-да...

Эътибор қилинг, бу ерда 4125 гектар ернинг деҳқон хўжаликларига бўлиб берилиши оқибатида 140 та раҳбар ходим қисқарди ва уларга хизмат қилаётган 46 та ҳар хил маркали автомашиналар қайтариб олиниб, тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришга жалб қилинди. Қарангки, мулк муносабатларининг ўзгариши ўз-ўзидан айрим керак бўлмай турган раҳбарлик органларини қисқартиришга олиб келади. Халқда ўзи нақл бор-ку. «Чўпон кўпайса, қўй ҳаром ўлади» деган... Бу ҳикмат раҳбарлик тизимини тўғри ташкил қилиш учун халқнинг қадимдан айтиб келган йўл-йўриғи деб қабул қилишимиз керак.

Мулк муносабатларини ўзгартириш, иқтисодий, ислоҳот борасида Президент таъкидлаган иккинчи йўналиш бозор тизимларини шакллантиришга асос бўлади. Биргина «Қўнғирот» жамоа хўжалигидаги ўзгаришлар мисолида ушбу фикрнинг исботини кўриш мумкин. Ахир, деҳқон ўз мулкига эга бўлса, ўзи етиштирган ҳосилни ўзи нархлай олса, маҳсулотни ўзи сотса, бу бозор тизимларининг шаклланишига олиб келади-ку. Ва бунинг натижасида молия ҳамда банк тизимлари қайта ташкил қилина боради. Чунки улар ўз-ўзидан деҳқон хўжаликлари, кичик корхоналар билан ва шу каби янгича шажарадаги ташкилотлар билан ишлашга мажбур бўладилар.

Музработ тумани ҳокими Абдухалил Номозов янгиланаётган даврнинг моҳиятини чуқур тушунади. Унинг ютуғи шундаки, тумандаги ҳар бир ишга қонуний муносабатда бўлади. У биз билан суҳбатда шуни таъкидлади: «Ҳоҳ майда, хоҳ катта иш бўлсин, ҳамма соҳада ягона қонун бор. Қонундан четлаб иш қилиш раҳбарни ерга уради, халқни чалғитади». У билан суҳбатда яна бир нарсани илғадик, у юқоридан келаётган йўл-йўриқларни жуда синчиклаб ўрганади ва бу йўл-йўриқларга ижодий ёндошиб, ташаббускорлик кўрсатади.

Раҳбарнинг эл орасида кўзга ярқ этиб ташланадиган фазилати ҳам ташаббускорликдир. Аслида, юқоридан келадиган кўрсатмаларни, фармонларни пастдаги раҳбарлар ўзлари учун катта меҳнат, катта масъулият деб қабул қилсалар эл манфаати учун кўп эзгу ишларни амалга оширадилар.

Президентимизнинг республика аҳолисини сифатли ичимлик сув ва газ билан таъминлаш ҳақидаги фармонига ҳам Музработ тумани ташаббускорлик билан, амалий иш билан жавоб берди. Кўпдан бери ичимлик сувидан қийналиб келаётган Музработ аҳолиси Хожаи Покнинг шифобахш, шаффоф сувидан баҳраманд бўлди. Бунинг учун 21,5 километрли магистрал қувур тортилиб, марказий сув қувурига уланди.

Ўтган 1992 — 93 йилларда туман ҳудудида 260 километрли газ қувури тортилиб, шу даврда 8500 хонадон газлаштирилди. 1993 йилнинг ўзида 4775 хонадон газ билан таъминланди. Бу ишларнинг ҳеч бири ўз-ўзидан бўладиган ишлар эмас.

Айни замонда «олма пиш, оғзимга туш», деб ўтирадиган давр эмас. Нақл бор: «Ҳар кимнинг ўзига берсин» деган. Шундай экан, бировдан ёрдам кутиб ўтириш ҳам маъқул эмас. Чунки, ўзгалар ёрдамига, мададига суяниб қолган одам умрбод ўзгалардан умидвор бўлиб юраверади. Лекин, ўзининг ички имкониятларини, ёнгинасидан вақти-ю бахтига қўшилиб ўтиб кетаётган имкониятларини пайқамайди. Ўз имкониятига суянганлар эркин бўладилар.

Туман ҳокимияти аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун худди шу ички имкониятларини ишга солди. Туман ҳудудида ун маҳсулотлари танқислигига барҳам бериш учун 26 та тегирмон ишга туширилди, 7 та мойжувоз, шунингдек, пахта заводи қошида бир кунда беш тонна ёғ чиқарадиган цех, 1 миллион шартли банкага мўлжалланган консерва заводи ишлай бошлади. Шу билан биргаликда Музработда қурилишлар ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Аҳоли учун зарур бўлган очиқ ва ёпиқ бозор ва унинг қошида ўнлаб дўконлар, 50 ўринга мўлжалланган шарқона услубдаги чойхона, ҳаммом, шоҳбекат, 50 ўринли турғунхона ва бошқа қурилиш бинолари битказилди.

— Биз фақат бугунги кун ташвишлари билан чекланиб қолмаслигимиз керак, — дейди ҳоким А. Номозов. — Худо хоҳласа аста-секинлик билан туман аҳолиси ёғоч муаммосидан ҳам қутилади. Ўтган йили хўжаликларнинг 85 гектар ерига 300 минг туп, шунингдек, туман ҳудудидаги йўлларнинг четларига 200 минг туп Калифорния тераклари экилди. Бу тераклар яқин йиллар ичида вояга етиб одамларимизни яна бир ташвишдан халос қилади.

Дарҳақиқат, бугунги кунинг раҳбари учун фақатгина раҳбарликнинг ўзи етмайди. У ўз элининг ташвишини-ташвишим, деб тушунмоғи керак. Аниқроғи, фидойилик зарур.

Сурхондарё вилоятида етиштириладиган шолининг 90 фоизи музработликларнинг меҳнати ва ҳиммати ҳосиласидир. Ўтган йили туман 51 минг тонна пахта билан бирга 21 минг 248 тонна шоли етиштириб, берди.

Музработ тумани яқин йилларгача чўлдан иборат, на сув, на соя бор бир манзил эди. Қарангки, одамнинг қадами етган жойга одамнинг меҳри ҳам етади. Меҳр тафти эса, ҳар қандай саҳрога жон киритади. Ҳозирда туманда 14 та жамоа хўжалиги бор. Шулардан, «Қўнғирот» жамоа хўжалигида республикада биринчи бўлиб деҳқон хўжалиги уюшмаси ташкил этилди. Айни пайтда «Қўнғирот»ликларнинг иш ривожини кўриб, яна тўртта жамоа хўжалиги уюшмага ўтиш арафасида турибди.

Музработ туманига олиб борадиган асосий йўл атрофи яқин-яқингача жарликлар, ўнқир-чўнқирликлардан иборат эди. Ҳозирда бу йўл атрофи ободонлаштирилган. У ерда мангу яшиллик элчилари — арчалар, қарағайлар қад тикланяпти. Туманга элтадиган йўлдаги ўша ўнқир-чўнқирлар ўрнида файз, кўркамлик тикланаяпти. Бунда эса, қандайдир рамзни кўриш мумкин. Зеро, азалдан ўзбеклар меҳмон келадиган йўлни, меҳмон кирадиган работни обод тутганлар. Қолаверса, қишлоқлар ҳам, шаҳарлар ҳам, мамлакатлар ҳам, дунё ҳам йўллардан бошланади, Қайсики, юртнинг йўли обод бўлса, ўзи ҳам ободдир.

Мақоламизни Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон»идан бир ҳикмат билан бошлаган эдик. Шу асарда яна шундай ўгит бор: «Фаридунки шафқат заминига насиҳат тухмин экди, фарзандди учун қоғозга қуйидаги сўзларни чекди: «Ҳаёт варақлари киши амалининг саҳифаларидир. Унга энг яхши ишларгина ёзиб қолдирилади».

Замон саҳифалари —
инсон умрин дафтари.
Шундайин сўзни демиш
ўйга толган бир доно:
Кимки бу пок китобда
яхши амали билан
Яхши номин қолдирса,
ўшанинг бахти аъло».

Биз музработликларнинг бугунги ҳаёт варақаларида эзгу ишларгина ёзиб қолинишини истаймиз.

Эшқобил ШУКУРОВ.

ТАШКИЛОТ

чекланмаган миқдорда нақд пулга ручкалар ва ручкалар учун стерженлар

СОТАДИ

Телефон: 32-53-06, 29-81-57.

«Газ—2410» маркали автомобилнинг 1986 йилда чиққан двигатели ҳамда «Нива—5» маркали тўқув машиналари

СОТИЛАДИ

Телефон: иш. 72-02-73, уй. 47-97-47.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИНИ

Ўзбекистон Республикаси ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти жамоаси биология фанлари доктори **Султонхўжа Аҳмедович ҲАМИДХЎЖАЕВнинг** бевақт вафот этганлигини маълум қилади ва марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси жамоаси «Шодлик» давлат ашула ва рақс ансамблининг бадиий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Дилафрўз Жабборованинг волидаи муҳтарамаси **Мағинур Мингазетдиновна МИННИКЕЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария Бош бошқармаси жамоаси, Ветеринария препаратлари Давлат илмий назорати лабораториясининг директори Бурхон Абдуҳолиқович Каримовга отаси **Абдуҳолиқ Шарипович КАРИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Чилонзор тумани халқ таълими бўлими, 534-болалар боғчаси жамоаси шу боғча мудираси П. М. Султоновага волидаи муҳтарамаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи **Муҳаррам Ғофуровна ОДИЛОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• *Митти юлдузлар*

СУНБУЛ СОЧЛАРИМНИ СИЛАЙ БОШЛАЙДИ...

Наргиза эндигина ўн саккиз баҳорни кўрди. Самарқандниг Пойариқ туманидан. Ўтган йили мактабни битирди. Таҳриятга минг бир истиҳола ила ўзининг ҳеч кимга кўрсатмай юрган шеърий дафтарини юборибди. Ўқиб кўрдик. Шеърият деган сирли дунёга ўзининг кўзи билан қараётгани сезилади.

Дарвоқе, янги рукнимизни ҳам кўнглимизда умид уйғотган шу синглимизнинг машқларидан бошладик.

ЯПРОҚ

Сарғарди. Тиғради. Узилди
япроқ,
Сўнгги бор чирт этди, умри
бехосдан.
Шамоллар қабартди, маҳзун
дилини
Энди-чи ортиқмас чирилди-
хасдан.

Оҳ, таззалум айлаб алдамчи
шамол,
Туну куни қасд айлаб умрин
сарғайтди,
Япроқ-чи, шу йўсин йўқотди
жамол,
Замни, дунё ўзи шундай деб
айтди.

БАҲОР

Хуш келибсан, ҳур диёримга,
Келинчакдай безанган баҳор.
Сенла нурга тўлар кўнгиллар
Шўх булбуллар сайрар ҳар
наҳор.

Менинг эрка баҳорим ўзинг
Шодликларни қучади дилим,
Ҳаёт гўзал, ҳаёт нашъали
Куйламоққа ожиздир тилим.

ОНАМНИНГ КЎЗЛАРИ

Боқаман, тўймайман,
Онам кўзига,
Қулоғим тутаман
ҳар бир сўзига.
Маҳзун термулади,
маъюс нигоҳи.

Ғамлар соя солган нурли
юзига.
Бир улуғ манзилга
Термулар ўйчан...
Бизга яратгандан,
Бахтлар тилайди

Ва ҳеч ким айтмаган,
Сўзларни айтиб,
Сунбул сочларимни,
силай бошлайди...

Наргиза
ҚАМБАР қизи.

ЭРТАГА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ФУТБОЛ ЧЕМПИОНАТИ БАЙРОҒИ КЎТАРИЛАДИ

ФУТБОЛНИ СЕВМАГАН КИМ БОР?

«Ўзбекистонда футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги тарихий қарорнинг эълон қилинганига ҳам бир йилдан ошди. Бу қисқа даврда футболимиз жаҳон ҳамжамияти — Халқаро футбол уюшмаси ва Осиё конфедерациясига аъзо бўлди. Жаҳоннинг турли мамлакатларида ўтказиладиган нуфузли мусобақалар ва учрашувларда иштирок этиш ҳуқуқи қўлга киритилди.

Маҳоратли футболчилар тарбиялаш мақсадида жойларда ҳокимларнинг футбол уюшмаларига ранс этиб тайинланиши ҳам ўзига хос қадам бўлди. Маълумки, юртимизда бу йил миллий чемпионат байроғи учинчи марта кўтарилади. Ўтган йилги муваффақиятлар самараси ўлароқ «Нефтчи» билан «Пахтакор» чемпионлар ва кубок эгалари баҳсларида иштирок этиш учун Осиё минтақаси сари юзланадилар. Мамлакатимиз терма жамоаси эса Осиё ўйинларида иштирок этишга шайланмоқда. Ҳа, футболимиз бу йил ўзига хос синовлардан ўтади. Ўйлаймизки, халқ севган ўйин юртимиз довруғига довруг қўшиш йўлида хизмат қилади.

Эртага асосий таянчимиз—олий лиганинг 16 жамоаси биринчиликнинг дастлабки учрашувларини ўтказади. Қуйида олий лигачиларнинг мавсумга ҳозирлиги, режалари ва баъзи таркибий ўзгаришлар ҳақида қисқача тўхталамиз.

ЧЕМПИОННИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Ўзбекистон чемпиони номига сазовор бўлган «Нефтчи»нинг шашти баланд экани мавсум арафасидаёқ намоён бўлди. Улар Ҳамдўстлик мамлакатлари чемпионлари кубоги учун Москвада ўтказилган нуфузли мусобақада маҳорат кўрсатиб, мухлисларни ром этдилар. Жамоа устози Юрий Саркисян Москва сафари олдидан: камида ярим финалга чиқамиз, деб дадил айтганда ўз йигитлари кучига астойдил ишонган бўлса не ажаб. Зеро, «Нефтчи» ўйинчилари ҳам устозларининг юзини ерга қаратишмади. Айниқса,ярим финалда таниқли Тбилиси динамочиларини доғда қолдириш (3:2 ҳисобида) мухлисларни ҳайратга солди. Бу ўйин мобайнида футболчиларимиз орасида истиқболли ёшлар камол топаётгани кўзга ташланди. Шу ўйиндан мурод ҳосил бўлди шекилли Москва спартакчилари билан ҳал қилувчи учрашувда маҳорат сирларини кашф этишга, тажриба орттиришга эътиборни қаратишди.

Фарғона футболчилари олдида масъулиятли вазифалар турибди. Улар аввало бу йилги мавсум мобайнида чемпионларга хос ўйин кўрсатишлари, мухлисларни мамнун этишлари ва Осиё чемпионлари кубоги учун Ўзбекистон номидан илк бор қатнашиб, минглаб ишқибозлар ишончларини оқлашлари зарур бўлади.

ОСИЁ КУБОГИНИ КЎЗЛАБ

Пахтакорчиларга тажрибали мураббийлардан Рустам Акрамов бош бўлиб келгандан бери жамоада таркибий ўзгариш ва ташкилий юмушлар амалга оширилди. У хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда мамлакат миллий терма жамоасига устозлик қилиш билан бирга пахтакорчиларга ҳам бошчилик қилишни ўз зиммасига олди.

— «Пахтакор»га мураббий бўлмасимдан аввал ҳам терма жамоамизга аксарият ўйинчилар пахтакорчилар сафидан олиниши ҳаммага маълум эди. Боиси, «Пахтакор» узоқ йиллардан бери ўз мухлислари ва обрўсига эга жамоалардан саналади, — дейди Р. Акрамов. — Ҳозирги кунда пахтакорчилардан саккиз нафари терма жамоамизга аъзо экани ҳам шундан далолат. Улар учун яратилган шарт-шароитлар ҳам ёмон эмас.

Мавсум арафасида кўпгина жамоаларда бўлгани каби пахтакорчилар сафида ҳам таркибий ўзгаришлар бўлди. Жумладан, Денис Иванков, Улуғбек Рўзимов, Ислом Аҳмедов сингари ўйинчилар таклиф қилинди. «Пахтакор» футбол мактабидан ҳам бир қанча ёшлар пахтакорчилар сафига қўшилиши кутилмоқда. Жамоа мавсумга тайёргарлик кўришида Ҳиндистон сафари ҳамда «Пахтакор—79» хотирасоврини учун учрашувларда иштирок этиши муҳим аҳамият касб этди. Маълумки, пахтакорчилар Ўзбекистон кубогини қўлга киритишган. Шу боис, бу жамоа олдида турган асосий вазифалардан бири Осиё кубок эгалари кубоги учун баҳсларда муваффақиятли иштирок этиб, футболимиз довруғини оширишдан иборат.

«НАВБАҲОР» ҒОЛИБЛИККА ДАЪВОГАР

Навбаҳорчилар севимли футбол жамоаларидан бири ҳисобланади. Янги мавсумда навбаҳорчиларга тожикистонлик мураббий Шариф Назаров устозлик қилади. У Миср республикасида тажриба орттириб қайтган. «Навбаҳор»нинг хорижий давлатга сафари ҳам мавсумга шайланишда аҳамияти катта бўлди. Улар ҳар йили кучлилар сафида бўлишга астойдил интиладилар. Жамоанинг дастлабки чемпионат даврида Ўзбекистон кубогини қўлга киритиши, «Пахтакор» хотира-соврини мусобақасида ғолиб келиши ҳам шундан далолат. Ўтган йили эса бронза медалини қўлга киритишган. Уларнинг бу йилги режалари ҳам қандай бўлмасин ишқибозларни қувонтириш, ҳужумкор ва мароқли ўйинлар кўрсатиб, мавқеларини мустаҳкамлашдан иборат.

АРМИЯЧИЛАР ИБРАТ КЎРСАТИШАДИ

МҲСК жамоасига Баҳром Ҳакимов устозлик қилмоқда. Бу жамоани 1991 йили иккинчи лиганинг аъзоси, таниқли футболчи ва мураббий Биродар Абдураимов бошчилик қилган «Умид» ўйинчилари ўриндоши ҳисобида таркиб топган, дейиш мумкин. Чунки дастлабки миллий чемпионатда бу жамоанинг номи ҳам, мураббийси ҳам ўзгарди. «Пахтакор—79» АФК номи билан майдонга тушди. Бултурдан бошлаб жамоа МҲСК, яъни Марказий ҳарбий спорт клуби, деб юритиладиган бўлди. Унга яна Абдураимов бошчилик қилди. Самара ёмон бўлмади. Мавсум охирида Биродар жамоа билан хайрлашгач, армиячиларга Баҳром Ҳакимов бош мураббийликка таклиф этилди.

Ўзбекистон Миллий чемпионатининг бошқа иштирокчилари ҳақида ҳам илиқ гаплар айтиш мумкин. Зеро, орзиқиб кутилган кунлар бошланаётган экан, асосий диққат-эътиборни ҳар бир учрашув футбол байрамига айланиши, мухлислар кўнглини овлаш, уларнинг маданий, дам олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилиши лозим бўлади. Шунга эришиш керакки, ўйингоҳга келган ҳар бир ўйинчи навбатдаги учрашувни орзиқиб кутадиган бўлсин. Мамлакатимизда футболни ривожлантириш, оммавийликни таъминлаш, маҳоратли ўйинчилар сафини кенгайтириб, юртимиз довруғини ошириш учун ҳаракат қилинаётган экан, бундай хайрли ишда катта футболга даҳлдор ҳар бир кишининг муносиб улуши бўлмоғи даркор.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 28. III

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Футбол шарҳи.
18.20 Математика фанидан сиртқи олимпиада.
18.45 «Тошкентга марҳамат!». Телефильм.
19.00 «Ишбилармон».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Осойишталик посбонлари». Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.20 «Ёшлик» студияси. «Ботма, қўёш!». Публицистик кўрсатув.
22.20 «Кино усталари». Марям Ёқубова.
23.10 «Ўзбекистон» ахборотн.
23.30 «Қувондиқ Искандаров куйлайди». Фильм-концерт.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.45 «Деҳқон ҳиммати».
20.15 «Билиб қўйган яхши».
20.35 «Излаган имкон топади».
21.05 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.35 «Сабр косаси». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Тонг».
* * *
17.55 «Гол».
18.25 «Турмуш ипкир-чиқирлари». Бадиий телесериал премьераси. 40-серия.
18.55 «Эркак ва аёл».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 «Спорт уик-энди». Сайланмалар
20.45 «Кунлардан бир куни март ойида».
21.00 «Клио боғидаги суҳбат».
21.15 «Бетанкур ҳақида афсона».
21.45 «Иосиф Бродский. Шоир шоирлар ҳақида».
22.30 Рей Бредбериниг Марс хроникалари.
23.00 Янгиликлар.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

*
17.00—18.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.55 «Ҳар бир кун байрам».
19.05 Душанба куни детектив. «Корнуэль сири». Бадиий фильм. «Эркюль Пуаро» сериалидан.
20.05 «Асил ҳолича».
21.00 «Петербург тарихи». Павел Луспекаев.
*
21.30—23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
23.00 «Урмон жонзоти ҳақида қисса». Бадиий фильм.

Сешанба, 29. III

● ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Силовсин овга чиқди». Бадиий фильм.
10.20 Халқ миллий ўйинлари.
10.45 «Качал полвон». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтой» студияси. «Ўйна, Назокат!».
18.40 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Ўзбекистон чининиси». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Назира Аҳмедова.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.20 «Ҳилол» студияси намойиш этади. «Тилсим».
22.10 Шукур Холмирзаев. «Қора камар». Аброр Ҳидоятов номли Ўзбек драма театрининг спектакли.
23.35 «Ўзбекистон» ахборотн.
23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.45 «Суперспорт».
20.30 «Иқтисодий тараққиёт йўлидан».
21.10 «Учрашув». Наталья Нурмуҳамедова.
«ОМАД» таништиради:
21.40 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Тонг».
* * *
17.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.45 «Протокол сатрларида».
18.55 «Мавзу».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 «Бомонд».
20.45 «Останкино» телеканалида биринчи марта. «Панамадаги муштлашув». Бадиий фильм (Франция, Италия, Жазоир, 1968 й.).
22.35 «Матбуот-экспресс».
22.45 «Абрамцево». Телефильм.
23.00 Янгиликлар.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.30 «Курьер».
9.45 «Турли ипкир-чиқирлар».
10.05 «Ҳар соҳадан бир шингил».
10.15 «Совға».
10.45 «Салом, ёшлар».
11.15 «Даракчи».
11.25 Эълонлар.
11.30 «Видео-О».
13.10 Эълонлар.
13.15 «Курьер».
13.30 Эълонлар.
13.35 «Юлдузлар жилоси».
13.55 Эълонлар.
14.00 «Видео-О».
17.00—19.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.20 «Ҳар бир кун байрам».
19.30 «Ҳеч ким унутилмайди».
19.35 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 297-серия.
20.30 «Формула-1» классида автопойга. Бразилия гранприси. 1-қисм.
*
21.30—23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
23.00 «Кечиккан пушаймон». Бадиий фильм.

Чоршанба, 30. III

● ЎзТВ I

7.00—9.15 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.15 «Содиқ дўстим Санчо». Бадиий фильм.
10.35 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.50 «Фан ва ишлаб чиқариш».
* * *
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Сўғдиёна». Танаффус пайтида — Телефильм.
17.50 «Суварак». Мультфильм.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Ғазалхон ёшлигим».
18.45 «Ўзбекистон табиати». Телефильм.
18.55 «Инсон ва қонун» почтасидан.
19.30 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 «Суянчим — шеърият». Зулфия Бобоева.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.20 Тадбиркор минбари.
22.10 Замонавий ўзбек қўшиқларининг «Анор» телевизион танлови.
23.20 «Ўзбекистон» ахборотн.
23.40 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Нурафшон» — «Нефтчи». 2-тайм.
00.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.45 «Спринт».
20.10 «Ҳамкорлик уфқлари».
20.55 «02» тўлқинида.
21.15 Камер куйларидан концерт.
21.45 «Комиссар Берлахнинг сўнгги иши». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Тонг».
* * *
17.35 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.30 «Қандай басавлат эркак...». М. Жванецкий.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 Режиссёр Л. Пчёлкин фильмларининг ретроспектив намойиши. «Сухово-Кобилин иши». 2-фильм.
21.45 «Матбуот-экспресс».
21.55 Футбол. Чемпионлар лигаси. «Спартак» (Москва) — «Монако» (Франция). 2-тайм. «Лужники» Катта спорт майдонидан олиб кўрсатилади.
23.00 Янгиликлар.
23.35 «Дунё шаҳарларининг тунги ҳаёти». Лондон.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

*
17.00—18.45
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.45 «Ҳар бир кун байрам».
18.55 «Антреприза». Мусаввир А. Коженкова.
19.40 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 298-серия.
20.35 Футбол бўйича Россия чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Текстильщик» (Камишин).
*
21.30—23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
23.00 «Виждон амри билан». Бадиий фильм.

Пайшанба, 31. III

● ЎзТВ I

7.00—9.15 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.15 «Мис тоғ бекаси». Бадиий фильм.
10.35 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.50 «Сиҳат-саломатлик».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Саноатимиз одимлари».
18.45 «Кайфият». Дам олиш кўрсатуви.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Санъат оламы». Саъдулла Абдуллаев.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 «Юнус Ражабий». Телефильм.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.20 Бевосита мулоқот.
22.20 «Мусиқий чойхона».
23.20 «Ўзбекистон» ахборотн.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.45 «Алоқалар ва шартномалар».
20.30 «Тошкент оқшомлари».
«ОМАД» таништиради:
21.50 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Тонг».
* * *
18.05 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.55 Ю. Нагибининг муаллифлик кўрсатуви.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 «Останкино» телеканалида биринчи марта. «Сталининг дафн этилиши». Бадиий фильм («Мосфильм», 1991 й.).
22.20 «Матбуот-экспресс».
22.30 «Бу ҳаммаси джаз...».
22.50 «Авто-шоу».
23.05 Янгиликлар.
23.40 Футбол. Чемпионлар лигаси.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

*
17.00—19.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.15 «Ҳар бир кун байрам».
19.25 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 299-серия.
20.15 «Ўз-ўзига режиссёр».
20.50 «Ностальжи» — барча авлодлар мусиқаси».
*
21.20—23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
23.00 «Керакли одам». Бадиий фильм.

Жума, 1. IV

● ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Шум бола». Бадиий фильм.
10.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.45 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
18.40 «Аския». Телефильм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
20.00 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 «Созлар табассуми». Мусиқий кўрсатув.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.20 «Шунчаки ҳазил...».
22.30 «Омад ҳамиша келавермайди». Бадиий фильм.
23.45 «Ўзбекистон» ахборотн.
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.45 «Турначалар», «Сен билан овга борамиз». Болалар учун фильмлар.
20.25 «Баҳор ўйинлари». Фильм-концерт.
21.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.20 «Дерсу Узала». Бадиий фильм. 1-серия.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Тонг».
* * *
18.00 «Америка М. Таратута билан».
18.30 «Мўъжизалар майдони».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 «Ҳеч нарса ҳақида репортаж»
20.40 «Детективлар клуби»да. «Коплан». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия.
22.15 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
22.30 «Академия». Дам олиш кўрсатуви.
23.00 Янгиликлар.
23.35 «Матбуот-экспресс».
23.45 «Музобоз».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

*
17.00—18.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.25 «Ҳар бир кун байрам».
18.35 Телеэкранда премьера. «Қанотчами, оёқчами». Бадиий фильм (Франция).
20.35 «Жентльменлар ҳузурида меҳмонда...».
*
21.15—23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
23.00 «Кўл бўйида». Бадиий фильм. 1-серия—«Ота».

Шанба, 2. IV

● ЎзТВ I

7.00—9.15 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.15 «Мария Мирабелла Транзисториянда». Бадиий фильм.
10.25 «Йўқдур мени ўзга ёр билан ишим». Донийр Тошмуҳамедов куйлайди.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Сиз борки...».
12.40 «Саховат».
13.15 «Театр ва томошабин».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Қизил Яримой шўъласи». Ўткир зеҳнлилар мусобақаси.
19.00 Камонгарон тароналари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Дутор тароналари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Мовлуда Самандарова куйлайди.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.20 «Кулги — дармон дейдилар». Республика қизиқчилар кўригининг ғолиби Худойберди Зиёдов.
21.55 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.45 Болалар учун. «Бахт кулиб боқса...».
20.45 «Кулол Раим бобо». Телефильм.
21.00 Ўзбекистон» ахборотн.
21.20 «Дерсу Узала». Бадиий фильм. 2-серия.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 «Брейн-ринг».
18.20 «Ҳафтанинг акс садоси».
18.50 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Қойилмақом жуфтлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 8-серия.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Голиаф кутмоқда». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
21.30 «Матбуот-экспресс».
21.45 Грэмми мукофоти топширилишининг 36-тантаналари. 1994 йил, Нью-Йорк. Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

*
11.25—15.00
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
11.25 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
11.35 «Сиёсий портретга чизгилар». Ҳусни Муборак».
11.55 «Дурдашен» телекомпаниясининг кўрсатуви (Ҳиндистон).
12.25 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
12.40 Бутунжаҳон сув куни.
13.25 «Умид» (уйғур тилида).
14.10 «Мозийдан ёғдулар».
14.45 «Бу ажиб дунё».
*
17.00—18.45
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.45 «Ҳар бир кун байрам».
18.55 Телеэкранда премьера. «Саррафф». Бадиий фильм.
20.30 «А» программаси.
*
21.30—23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
23.00 «Кўл бўйида». Бадиий фильм. 2-серия — «Қиз».

Якшанба, 3. IV

● ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Ёшлик» студияси. «Зиё».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
10.30 «Маҳоҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 60—61-сериялар.
12.00 Юнус Ражабий номидаги ёш мақомчилар танловининг ғолиби Азамат Отажонов куйлайди.
12.30 «Шоҳ Султон ҳақида эртак». Болалар учун фильм.
13.25 «Халқ севган достонлар». Абдуқаҳҳор Раҳимов ижросида «Алпомиш».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильмлар тўплами.
18.30 Усмирлар учун. «Сеҳрли оҳанглар».
19.05 «Ойнаи жаҳонда».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Мукаррама Турғунбоева номидаги Ўзбек Давлат «Баҳор» рақс ансамблининг янги дастури.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
22.50 «Ошиқ Ғариб». Бадиий фильм.
00.05 Янгиликлар.

● ЎзТВ III
«ОМАД» таништиради:
17.00 «Совға».
17.30 Эълонлар.
17.40 «Видео-О».
19.20 Эълонлар.
19.30 «Курьер».
19.45 «Эм-ти-ви»дан мусиқалар.
20.05 «Ҳар соҳадан бир шингил».
20.15 Эълонлар.
20.25 «Даракчи».
20.35 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
20.55 Эълонлар.
21.45 «Видео-О».

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.45 «Сиз ёқтирган романслар ва қўшиқлар». И. Кобзон куйлайди.
18.05 «Аншлаг. Аншлаг».
19.05 «Останкино» телеканалида «Тэмс телевижн» ҳафталиги таништирилади.
19.25 «Тэмс телевижн» таништиради: «Уй томон олис йўл». Телевизион бадиий фильм премьераси. (Буюк Британия).
21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.
21.45 «Эфирда мусиқа».
22.45 Катталар учун мультфильм.
23.00 Янгиликлар.
23.15 «Фестивалларг намойиши».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

*
11.10—15.00
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
11.10 «Мамлакатлар, воқеалар одамлар».
11.20 «Чинсэн» (корейс тилида).
12.00 «Дидар» (қозоқ тилида).
12.40 «Дурдашен» телекомпаниясининг кўрсатуви (Ҳиндистон).
13.10 «Би-Би-Си» янгиликлари.
13.25 «Безнен мирас» (татар тилида).
14.05 Шарқ тароналари.
14.45 «Бу ажиб дунё».
*
17.00—18.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.55 «Ҳар бир кун байрам».
19.05 Киномарафон. «Мерос» («Иккинчи хотин»). Бадиий фильм (Франция—Венгрия).
21.10 «Ксюша ҳузурида».
*
21.40—23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
23.00 «Унутилмаган қўшиқ». Бадиий фильм.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Асқиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58,83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—791. тир. 87.259. топширилди— 22.30.
Навбатчилар: Н. ЖАЛИЛ, М. МИРФАЙЗИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.